

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МАХСУДОВ ДАВРОНБЕК РУСТАМОВИЧ

МОВАРОУННАҲР ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ
ТАФСИРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(XIII-XV АСРЛАР)

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

**Content of the dissertation abstract of the Doctor of Science (DSc) on
Historical Sciences**

Махсудов Давронбек Рустамович

Мовароуннахр ханафий мазҳаби тафсирларининг қиёсий таҳлил
(XIII-XV асрлар) 3

Махсудов Давронбек Рустамович

Сравнительный анализ ханафитских тафсиров Маварауннахра
(XIII-XV вв.) 33

Makhsudov Davronbek R.

Comparative analysis of tafsirs of hanafit mazhab in Mavaraunnahr
(XIII-XV centuries) 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 65

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МАХСУДОВ ДАВРОНБЕК РУСТАМОВИЧ

МОВАРОУННАҲР ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ
ТАФСИРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(XIII-XV АСРЛАР)

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tar85 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiau.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исломов Зоҳид Маҳмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Дилором Юнусовна
академик, тарих фанлари доктори, профессор

Мунавваров Зоҳилло Иномходжаевич
сиёсий фандар доктори, профессор

Нуритдинов Маҳмудхўжа Низомович
фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar.57.01 рақамли Илмий кенгаши БИММ платформасининг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги онлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70), Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@iiau.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Н.Ғ.Нажмиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, фил.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли ўлкаларида яратилган ёзма манбалар орасида Қуръоннинг маъно-мазмунини ўрганиш ва тафсир қилишга (تفسير) алоҳида эътибор қаратилган бир қатор адабиётлар мавжуд. Тафсир соҳасининг ривожидида Мовароуннаҳр (ما وراء النهر) ҳудудида ёзилган асарлар катта аҳамиятга эга. Ушбу заминда ҳадис, фикҳ, калом каби ислом илмлари билан бир қаторда тафсир ҳам тараққий этган ва бу борада эътироф этилган қимматли китоблар ёзилган. Мазкур асарларнинг нақлий билимлар (التفسير بالنقل – нақлий тафсир – оятларни оятлар, ҳадис ва саҳобалар сўзлари билан тафсир қилиш тури) билан бирга ақлий илмлар (التفسير بالرأي، بالعقل بالإجتهد، – ақлий тафсирлар – оятларни ақидавий, фикҳий, тасаввуфий, наҳв ва луғат, илмий, фалсафий, мантиқий услубда, ақл ва ижтиҳод билан тафсир қилиш тури) асосида баён этилгани уларнинг илмий савияси юқори ва қамрови кенг эканлигидан дарак беради.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида юзлаб Қуръон шарҳлари ёзилган бўлишига қарамай Мовароуннаҳрда яратилган тафсирлар нафақат Марказий Осиё, балки ислом оламининг бир қатор диний таълим муассасаларида, шу жумладан, Ал-Азҳар (Миср), Дорул улум (Ҳиндистон ва Покистон), ислом олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари (Саудия, Ироқ ва б.) каби йирик илмий марказларда ўқитилиб келинаётгани, араб тилида қайта-қайта чоп этилиши ҳамда махсус тадқиқотларга жалб этилаётгани ҳам юртимиз муфассирларининг илмий салоҳияти юқори бўлганидан далолатдир. Бироқ бу борада комплекс тадқиқотлар олиб борилмагани ва тафсирларнинг хусусиятлари очиб берилмагани Мовароуннаҳрдаги тафсиршунослик анъанасини яхлит англаш имконини бермас эди.

Ўзбекистонда исломшунослик, жумладан, ислом манбашунослиги ва тафсиршунослик ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, соҳа мутахассислари олдида бир қатор илмий изланишларни олиб бориш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, тафсир билан махсус шуғулланган Нажмиддин Кубро (545-618/1150-1221), Хожа Муҳаммад Порсо (756-822/1355-1420), Али Қушчи (ваф. 879/1474) ва бошқа ўнлаб мовароуннаҳрлик муфассирлар (مفسرون) фаолиятини таҳлил қилиш билан уларнинг тафсир услубларини кенгроқ англаш, олимларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ҳамда тарихимизнинг маълум бўлмаган босқичларини ёритиш, шунингдек XIII-XV асрларда ҳукмронлик қилган мўғуллар ва Темурийлар даврларидаги илм-фан ривожини янада яққол тасаввур қилиш имконияти пайдо бўлади. Ушбу тафсирлар “устоз-шогирд” тизими ва олдинги мўътабар манбаларга, шунингдек мўътадиллиги, халқимиз дунёқарашига ҳамоҳанглиги, мутаассиблик ва жаҳолатни қоралаши билан эътироф этилган ҳанафий мазҳаби амалиётига таянилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Шундан келиб чиқиб, ҳанафий мазҳабига доир ёзилган

тафсирларни ўрганиш ва шу орқали Қуръони каримнинг асл моҳиятини тўғри талқин қилиш бугунги глобаллашган пайтда долзарб саналади. Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш ҳам давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир¹.

Диссертация Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 618-И-сон “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳри, 2016 йил 14 сентябрдаги 406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Тафсир илми ва муфассирлар фаолиятига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, الأزهر (Ал-Азҳар университети, Миср), جامعة أم القرى (Уммул Қуро университети, Саудия Арабистони), مركز تفسير للدراسات القرآنية (Саудия Арабистони), International Islamic University of Malaysia (Малайзия), Leiden-University (Нидерландия), Institute of Islamic studies (Канада), The Institute for

¹ Мирзиёев Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл / Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари 43-сессиясининг очилиши маросимидаги нутқ. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 29.

²[http://www.azhar.edu.eg/;](http://www.azhar.edu.eg/) [http://www.uqu.edu.sa/;](http://www.uqu.edu.sa/) [https://tafsir.net/;](https://tafsir.net/) [http://www.vb.tafsir.net/;](http://www.vb.tafsir.net/) [http://www.ioquranics.com/;](http://www.ioquranics.com/) [http://www.eurogates.ru/programs/leiden-university/;](http://www.eurogates.ru/programs/leiden-university/) [https://www.wise.edu.jo//;](https://www.wise.edu.jo//) [http://www.iium.edu.my/;](http://www.iium.edu.my/) [http://corpus.quran.com/wordbyword.jsp;](http://corpus.quran.com/wordbyword.jsp) <http://www.orientalstudies.ru;> www.kazanrii.ru; [http://www.kunstkamera.ru/files/Quran/;](http://www.kunstkamera.ru/files/Quran/) www.beruni.uz; www.iiiau.uz ва бошқалар; Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий. Ат-тафсир ва-л-муфассирун. II жилдда. – Қоҳира, 1995; Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байзовий. Анвор ат-танзил ва асрор ат-та’вил. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия, 1999; Абул Қосим аз-Замашарий. Ал-Кашшоф ‘ан ҳақо’ик ат-танзил ва ‘уйун ал-ақовил фи вужуҳи-т-та’вил. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия, 1995; Шамсуддин ад-Довудий. Табақот ал-муфассирин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия, 2002; Одил Нувайҳиз. Му’жам ал-муфассирин мин садр ал-ислам ҳатта ал-аср ал-ҳозир. Учинчи нашр. Ж. II. – Байрут: Муассасату Нувайҳиз ас-сақофия ли-т-та’лиф ват таржима ва-н-нашр (йили кўрсатилмаган); Абу Мансур ал-Мотуридий. Та’вилот аҳл ас-сунна. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2005. (Бундан кейин – Ал-Мотуридий. Та’вилот аҳл ас-сунна.); “Жухуд ал-’умма фи хизмат ал-Қур’он ал-карим ва ‘улумиҳи” мавзусидаги тадқиқотчи-олимларнинг халқаро конференцияси тўплами. – Фас: ал-Марказ ас-сақофий ал-баладий, 2011 йил 14-16 апрель. 1-2-қисмлар. – 1318 б.

Islamic World Studies, Oxford (Буюк Британия), la Sorbonne Université (Франция), Hamburg University (Германия), Болгарская исламская академия (Россия), Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази, Имом Термизий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Ўрта асрларда яратилган тафсир илми назарий асослари, тарихи, муфассирлар фаолияти ва ижодиларига оид тахлилий маълумотлар Муҳаммад Хусайн аз-Заҳабийнинг «ат-Тафсир ва-л-муфассирун» («Тафсир ва муфассирлар»), Шамсуддин Муҳаммад ад-Довудийнинг «Табақот ал-муфассирин» («Муфассирлар табақаси»), Одил Нувайҳизнинг “Му‘жам ал-муфассирин мин садр ал-ислам ҳатта ал-‘аср ал-ҳозир” каби асарларда ёритилган. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Та’вилот ал-Қур’он» («Қуръон таъвиллари»), Имом ал-Байзовийнинг «Анвор ат-танзил ва асрор ат-та’вил» («Қуръон нурлари ва таъвил сирлари»), Абул Баракот ан-Насафийнинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақо’иқ ат-та’вил» («Қуръондаги берк ҳақиқатлар очкичи ва таъвил йўллари ҳақидаги ривоятлар кўрсаткичи») каби манбаларда³ эса Қуръонни қандай шарҳланганини ўрганиш мумкин бўлади. Шу маънода ушбу тафсирларнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзма ва тошбосмалари ҳамда уларнинг янги нашрлари қиёслаш манбаалари сифатида жалб этилди. Шунингдек, Марокашнинг Фас шаҳрида Қуръони карим илмлари бўйича тадқиқот олиб боровчиларнинг халқаро конференцияси мунтазам равишда ўтказиб келинади. Анжуман натижаси сифатида йирик тўпламлар ҳам чоп этилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIII-XV аср муфассирлари, тафсир илми ва Қуръоншуносликни ўрганган олимлар кўп бўлиб, улар қуйидаги тарзда тахлил қилинди:

Муфассирлар ҳақидаги библиографик маълумотларни Муҳаммад Шафиқ Ғирбол, Абдалҳай ал-Лакнавий, Мавлоно Тошқўпри-зода, Ҳожи Халифа, Муҳйиддин Абулқодир ал-Қураший, Тақиюддин ал-Мисрий, Шамсуддин ад-Довудий, Жалолуддин ас-Суютий, Аҳмад ал-Аднавий, Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад ҳамда бу борада йирик тадқиқот олиб борган Одил Нувайҳиз⁴ асарларидан олиш мумкин.

³ Тарихий шахслар номлари ўзбек тили адабиётларида қандай қабул қилинган бўлса, шу ҳолда олинган, китоблар номида эса, “ал-” қўшимчаси билан ёзилган, адабиётлар номи ўқилганда қандай эшитилса, шу тарзда олинган, ўқувчига тушунарли бўлиши учун айрим сўзларнинг арабча шакли олинган.

⁴ Мавлоно Тошқўпри-зода. Табақот ал-фуқаҳо’ / Ношир: Ал-Ҳож Аҳмад Нийла. – Мавсил: ал-Мактаба ал-марказия ал-‘омма. (йили кўрсатилмаган). – Б. 113; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жилдда. Ал-Олам нашриёти, 1310/1892. Ж. II. – Б. 1115-1117; Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаво’ид ал-бахия фи тарожим ал-ҳанафия. Қозон: ал-Хизона босмаҳонаси. 1903; Абдулҳай ал-Лакнавий. Ат-Таълиқот ас-сания ‘алал Фаво’ид ал-бахия. Қозон: ал-Хизона босмаҳонаси, 1903; Тақиюддин ал-Мисрий. Ат-табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия. I жуз. Дор ар-рифо’ий, 1983; Муҳйиддин Абулқодир ал-Қураший. Ал-Жавохир ал-муди’а фи

Мовароуннаҳрда яшаган алломалар, муфассирлар ва уларнинг асарларини А.Қаюмов, М.Хайруллаев, А.Саидов, У.Уватов, З.Исломов, Д.Юсупова, А.Аҳмедов, М.Ҳасанов, Б.Абдуҳалимов, Б.Бабаджанов, Р.Баҳодиров, О.Бўриев, З.Мунавваров, А.Мўминов, Н.Муҳаммад, И.Бекмирзаев, Ш.Зиёдов, Д.Раҳимжонов, Н.Муҳамедов, С.Оқилов, М.Кенжабек, И.Абдуллаев⁵ каби олимлар ўз тадқиқотларида қисман ўрганганлар.

Тафсир илми ўрганилган араб тилидаги тадқиқотлар кўп бўлиб, улардан Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий, Амир Абдулазиз, Манно‘ ал-Қаттон⁶ кабиларни айтиб ўтиш керак. Турк олими Баҳреддин Сетир “Ebu’l-Berekâten-

табақот ал-ҳанафия / таҳқиқ Дуктур Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулув. 3 жуз. Ҳажр, 1993; Муҳаммад Шафиқ Ғирбол. Ал-Мавсуат ал-‘арабият ал-муяссара. Дор ал-жил ва-л-жам‘ия ал-мисрия, 1995. Ж. II. – Б. 1833. (Бундан кейин – Муҳаммад Шафиқ Ғирбол.); Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-Фаво‘ид ал-бахия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут, 1998. – Б.173-174. (Бундан кейин –ал-Лакнавий. Ал-Фавоидул бахия.); Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ад-Довудий. Табақот ал-муфассирин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия, 2002; Аҳмад ал-Аднавий. Табақот ал-муфассирин / Сулаймон ибн Солиҳ ал-Хазий. – ал-Мадина ал-мунаввара: Мактабат ал-‘улум ва-л-ҳикам, 1997; Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси / З.И.Мунавваров таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007; Одил Нувайҳиз. Мў‘жам ал-муфассирин мин садр ал-ислам ҳатта ал-‘аср ал-ҳозир. Учинчи нашр. Ж. II. – Байрут: Муассасату Нувайҳиз ас-сақофия ли-т-та’лиф ва-т-таржима ва-н-нашр (йили кўрсатилмаган).

⁵ Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001; Абдуллаев И. Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: Фан, 1969; Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар) // нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К. 2. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996; Баҳадиров Р. Из истроии классификации наук на средневековом мусульманском востоке. – Т.: 2000; Бўриев О. Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо // Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.Хайруллаев. Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: Халқ мероси, 2001; Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А.Қодирмий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001; Қаюмов А.П. Навоийга бағишланган тафсир // Имом Бухорий сабоқлари. -Тошкент, 2001. - № 2. - Б. 120-122; Бўриев О. Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо // Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.Хайруллаев. Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: Халқ мероси, 2001; Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / Тузувчи: М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001; Саидов А., Исҳоқов С. Ҳофизад-дин Насафий // Қонун ҳимоясида.– Тошкент, 2001. – № 2.– Б. 23-25; Исломов З. Адаб илмининг дурдонаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002; Буюк алломаларимиз /Абдуҳалимов Б. Исломов З. ва б.; Ҳ. С. Кароматов таҳрири остида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002; Муминов А. Роль и место ханафитских ‘уламо’ в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XII вв.): Дисс. ... док. истор. наук. – Т.: ТИУ, 2003; Раҳимжонов Д. VII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифати ‘уламо’и Самарқанд» асари асосида): Тар. фан. ном. ... дисс. – Т.: ТИУ, 2003; Уватов У. Қашқадарё воҳасининг алломалари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти.–Тошкент, 2005. – № 3. – Б. 12-13; Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий ва унинг мотуридийа таълимоти ривожига кўшган ҳиссаси («Табсирату-л-адилла» асари асосида): Тар. фан. ном. ... дисс. – Т.: ТИУ, 2005; Муҳаммад Н. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006 – Б. 51-54; Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси / З.И.Мунавваров таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007; Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007; Бабаджанов Б. Ислом ва фалсафа: Қуръон тафсирлари, шарҳлар кироат илми // Шарқ кўлөзмалари хазинаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Тошкент: ЮНЕСКО, 2012. – Б. 57-61; Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ханафий таълимоти. – Т.: “Фан ва технология”, 2012.

⁶ Амир Абдулазиз. Дирасот фи ‘улум ал-Қур’он. – Байрут: Дор ал-фурқон, 1983; Манно‘ ал-Қаттон. Мабоҳис фи улум ал-Қур’он. – Байрут: Мавсу’ат ар-рисола, 1980. – Б. 285-349; Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий. Ат-тафсир ва-л-муфассирун. – Қоҳира, 1995.

Nasafî ve Medârik tefsîri” mavzusida, Т.Оздерс⁷ мотуридийлик тафсирлари бўйича тадқиқот олиб борган.

Фарб ва рус олимлари: Т.Нельдеке, Ж.Вансбург, Р.Мартин, С.Адамс, И.Гольдциер, Ф.Мюллер, М.Систер, Р.Белл ва У.Уотт, А.Раппин, Ф.Денни, М.Пиотровский, Е.Резван, А.Боровков, Ф.И.Абдуллаева, К.Кошталёва, Д.Фролов, Т.Ибрагим⁸ кабилар Қуръоншуносликка доир тадқиқотлар олиб борганлар ва соҳа олимлари илмий меросини ўрганганлар.

Ўзбекистонлик олимларнинг Қуръоншуносликка доир ишлари сирасига Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Қуръон илмлари”, Р.Обидовнинг “Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти” номли монографияси ва “Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари”, А.Абдуллаевнинг “Қуръоншунослик” ўқув қўлланмаси, муаллифлар жамоасининг “Қуръоншуносликка оид илмлар” каби тадқиқотлари ҳамда Ҳ.Кароматов ва Б.Ҳасановнинг Қуръон ва Қуръон илмларига оид маълумотларини ҳам айтиш мумкин⁹. Шунингдек, Мовароуннаҳрда тафсир илми ривожини муфассир олимлар ва уларнинг тафсир асарлари бўйича А.Абдуллаевнинг “Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр

⁷ Bedridin Çetiner. Ebu'l-Bekâten-NasafiveMedâriktefsîri. – Istanbul: Marmara üniversitesi İlahiyat fakültesi Vakfı yayinlari, 1995; Ozders T. Maturidinin tafsir anlayisi. – Turkiya / İnsan Yayinlari, 2003. – 319 s.

⁸ Кашталева К.С., “Терминология Корана в новом освещении”, Доклады Академии Наук СССР. Востоковедение, 1928; Кашталева К.С. «Подражания Корану» Пушкина и их первоисточник // Записки Коллегии востоковедов при Азиатском музее Академии наук СССР / 1930; Muller F.M. The sacred books of the East. Volume VI. The Qur'an. Translated by Palmer E.H. Motilal Banarsidass; Muller F.M. The sacred books of the East. Volume IX. The Qur'an. Translated by Palmer E.H. Motilal Banarsidass; Sister M., Metaphern und Vergleiche im Koran. Inaugural-Dissertation zur Erlangung der Doktorwürde genehmigt von der Philosophischen Fakultät der Friedrich-Wilhelms-Universität zu Berlin. – Berlin, 1931; Гольдциер И. Ислом тафсири йўналишлари / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулҳалим Нажжор. – охира, 1955; Боровков А.К. Лексика средниазиатского тefsира XII-XIII вв. – М.: Издательство восточной литературы, 1963; F.M.Denny, “The meaning of ummah in the Qur'an”, History of Religions, XV, 1975; Wansbrough J. Quranic Studies: Sources and Methods of Scriptural Interpretation. – Oxford, 1977; Martin R.C., “Understanding the Qur'an in text and context”, History of Religions, XXI/4, 1982; Rippin A., “The Qur'an as literature: perils, pitfalls and prospects”, British Society of Middle Eastern Studies Bulletin. – London, 1983; Резван Е.А., “Адам и бану адам в Коране (к истории понятий «первочеловек» и «человечество»)”, Ислам. Религия, общество, государство. – Москва, 1984; Кямилев С.Х К интерпретации коранических терминов кыст и адль // Социально-политические представления в исламе. История и современность. - М., 1987. - С. 101-102; Adams C.J., “Abu 'l-'Ala' Mawdudî's Tafhîm al-Qur'an”, Approaches to the History of the Interpretation of the Qur'ân, ed. A. Rippin.– Oxford, 1988; Пиотровский М.Б., Коранические сказания. – Москва, 1991; Фролов Д.В. Мусульманская экзегетика и Коран // Восток, 1992, № 6. - С. 73-88; Абдуллаева Ф.И. Персидская кораническая экзегетика. – Санкт-Петербург, 2000; Ибрагим Т.К. Коран о духовном плюрализме // Сравнительная философия в контексте многообразия культур. - М., 2004. - С. 218; Нельдеке Т. Қуръон тарихи / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томаар. – Байрут, 2004; Белл Р., Уотт У.М. Коранистика: введение. Научный редактор: В.С Рыбалкин. Пер. Санг. С.А.Жданов, Б.В.Норик, М.Г.Романов. –СПб: Издательство «Диля», 2005. – 256 стр; Резван Е.А. Коран и его толкования (тексты, переводы, комментарии). – М., 2005.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1995; Ҳасанов Б. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча қўрсаткичли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995; Ҳасанов Б. Қуръон илмлари: Қуръони карим, кироат илми, тажвид илми. – Т., 2000; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 60-145; Обидов Р. Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009; Қуръон илмлари / Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Т.: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2013; Қуръоншунослик (ўқув қўлланма) / тузувчи: А.Абдуллаев; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011; Қуръоншуносликка оид илмлар (матн) / А.Абдуллаев ва бошқалар; масъул муҳаррир: И.Усмонов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2016.

тафсиршунослигида тутган ўрни”, Ҳ.Лутфуллаев ва Д.Махсудовнинг “Абул Баракот ан-Насафий ва унинг “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил асари” каби тадқиқотлари мавжуд¹⁰. И.Усмонов ва Г.Саидова мавжуд кўлёмаларни ўрганган ҳолда “Яъқуб Чархий тафсирининг туркий таржимаси” номли факсимиль нашрни тайёрлаганлар¹¹.

Олтинхонтўра, Алоуддин Мансур, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Абдулазиз Мансур, Ш.Бобохонов, Муҳаммаджон Ҳиндистоний, М.Усмонов, Б.Умрзоқов¹² сингари олимлар томонидан Қуръони карим ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди. Бироқ, XIII-XV аср Мовароуннаҳр муфассирларига доир кенг кўламли ва яхлит тадқиқот ҳали амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Қуръон ва тафсирларни илмий ўрганиш» фундаментал тадқиқотлари давлат дастурига мувофиқ келади.

Тадқиқотнинг мақсади. XIII-XV асрларда мовароуннаҳрлик муфассирлар ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, уларнинг тафсирларини қиёсий таҳлил қилиш орқали мусулмон дунёси тафсир илми ривожига тутган ўрнини белгилаш ҳамда тафсирларнинг ҳанафий мазҳаби ривожига қўшган ҳиссасини исботлаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуръоншуносликка оид тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамияти, тафсир илми ва унинг ривожланиш босқичлари, назарий-методологик масалалари ва тарихий асосларини очиқ бериш, тафсирларнинг турлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш, тафсирлар кўплиги сабаби ва омилларини далиллаш;

¹⁰ Абдуллаев А. Абул Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни: Тар. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: ТИУ. 2007; Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни / Абдуллаев А.; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2013; Лутфуллаев Х. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алия” асари Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба: тар.фан.номз. ... диссерт. автореф. – Т.: «ал-Фаба-сервис», 2011; Абул Баракот ан-Насафий ва унинг “Мадорик ат-Танзил ва ҳақоик ат-таъвил асари” (монография) / Д.Махсудов; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014.

¹¹ Яъқуб Чархий тафсирининг туркий таржимаси / Ҳамадоний Ҳожи таржимаси / нашрга тайёрловчилар И.Усмонов, Г.Саидова. – Т.: ЎзР ФА Асосий кутубхонаси босмахонаси, 2010. – 496 б.

¹² Қуръони карим (30-пора) / Шамсиддинхон Бобохонов таржимаси. – Москва: Comil, 1992; Ал-Қуръон ал-карим / Таржимон – Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий Олтинхонтўра / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи – Исматуллоҳ ‘Абдуллоҳ. – Т.: 1995; Қуръони каримнинг изоҳли таржимаси / Таржимон Алоуддин Мансур. – Бишкек: 2001; Қуръони карим: таржима ва илмий-тарихий изоҳлар. 1-китоб (1992 йил) / Масъул муҳаррир М.Усмонов. – Т.: Фан, 2004; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимча қилинган иккинчи нашр. VI жилдда. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005-2007; Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – Б. 2,4,6,9,12,13 ва бошқа бетлар. (Бундан кейин – Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири.); Қуръони карим оятлари маънолари таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи – Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006; Умрзоқов Б. Тафсири Баҳр (Кўлзёма тафсирлар ва уларнинг қиёсий-текстологик тадқиқи. Монография). – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.

XIII-XV асрларда мусулмон дунёсидаги муфассирларнинг Қуръоншунослик илмлари тараққиётига қўшган ҳиссаси, суннийлик мазҳабларида ёзилган тафсирларнинг аҳамиятини кўрсатиш ҳамда ўзаро қиёслаш;

мовароуннаҳрлик илк муфассирларнинг тафсир соҳасидаги ўрнини ёритиш орқали тафсир илмининг шаклланиши ва ривожланиши, узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанглиги, тафсир турларини таҳлил қилиб бериш;

XIII-XV асрлардаги тафсирларнинг аҳамияти, муфассирларнинг тафсирлардаги услубларини ўрганиш ва таққослаш билан тафсир турларига ажратиш ҳамда Мовароуннаҳрнинг дунё тафсиршунослигида тутган ўрнини далиллаш;

Мовароуннаҳр тафсирларидаги ҳанафийлик мазҳаби анъаналарини ўрганиш, уларда ҳуқуқий, ақидавий ва диний-ижтимоий масалаларга доир оятларнинг ёритилиш услубларини қиёслаш, бугунги кундаги аҳамияти катталигини исботлаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини мовароуннаҳрлик ҳанафий мазҳаби муфассирлари ва уларнинг тафсир илмига оид асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Мовароуннаҳрдаги тафсир асарларининг қўлёзмалари, тошбосма ва янги нашрлари, муфассирлар илмий фаолиятига оид библиографик манбалар ҳамда тафсирларда услубларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстрактлаштириш каби умумфалсафий методлар, структурали-функционал таҳлил, комплекс ёндашиш, тизимлилик, муаммовий-мақсадли, тарихий-қиёсий услублар ҳамда матнларни контент-анализ қилиш, илмийлик, тарихийлик, диний бағрикенглик, холислик, ислом динига ҳурмат билан ёндашиш ҳамда мутаассибликка мурасасизлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мовароуннаҳрда тафсир илми мактаби ўзининг кучли “устоз-шогирд” тизимига эга бўлганлиги сабабли XIII-XIV асрлар мўғуллар босқини натижасида “илмий таназул” ва турғунлик даврига тўғри келишига қарамай, тафсир ёзиш анъанаси давом этгани ва натижада қарийб 30 нафар муфассир олимлар фаолият юритгани ҳамда бир қатор тафсир ёзилганлиги аниқланиб, ушбу олимлар ўша давр мусулмон оламидаги 70 дан ортиқ ўрганилган муфассирларга солиштарганда минтақада тафсир илми ривожини юқори бўлганлиги исботлаб берилган;

тафсир илмининг тадрижий ривожланишида XIII-XV асрлар алоҳида ўринга эгаллиги, ушбу давр маълум маънода тўлиқ ҳажмли тафсирлардан тўлиқ бўлмаган ҳамда ҳошия услубидаги тафсирларга ўтилгани, шу тарзда то XX асргача мана шу ҳолат сақланиб қолгани, бунга ўз навбатида мўғуллар босқини ва ҳукмронлиги билан боғлиқ кескинлик оқибатида ягона илмий тил саналган араб тилининг ўз мавқеини йўқота бошлагани ҳам сабаб эканлиги исботланган;

Амир Темур ва темурийларнинг илм-фанга ҳомийлиги натижасида тафсир соҳасида янги қирралар очилиб, эндиликда, Хўжа Порсо ва Яъқуб Чархий каби муфассирлар томонидан ўша давр аҳолиси эҳтиёжига мос бўлган тўлиқ ҳажмли бўлмаган ва форс тилидаги тафсирлар яратилгани, Али Кушчи, Саъдуддин Тафтазоний сингари муфассирларнинг асосан олдинги машхур тафсирларга хошия туркумидаги изоҳлар ёзганлиги, нақлий тафсирлар камайиб, унинг ўрнида аклий тафсирлар, хусусан XIII асрдан бошлаб, тасаввуфий тафсирлар ҳам кўпайгани асослаб берилган;

XIII-XV асрлардаги тафсирларни ўрганиш натижасида Ҳисомиддин Улёбодий, Жамолуддин ал-Кошоний ас-Самарқандий, Ҳамидуддин аз-Зарир ал-Бухорий, Абул Фазоил ал-Бухорий, Шамсуддин Муҳаммад ас-Самарқандий, Абул Қосим ал-Баёний, Бухорий-зода Муҳаммад ибн Абдуллатиф каби ҳали илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган алломалар ёки Нажмиддин Кубро, Убайдуллоҳ содруш шариа, Саъдуддин ат-Тафтазоний, Али ал-Кушчи, Ҳофиз Кўҳакий сингари муфассир сифатида танилмаган мутасаввиф, фақиҳ, мутакаллим, фалакиётчи олимлар ўз даврининг Қуръон шарҳловчилари эканлиги аниқланган;

минтақада кучли таъсирга эга бўлган ҳанафий мазҳаби ва мотуридийлик таълимоти тафсирларда ҳам аниқ акс этгани, айнан ҳанафий мазҳаби муфассирлари Қуръони каримни мўътадиллик асосида шарҳлаб, мутаассиблик ва оятларни нотўғри талқин қилинишининг олдини олганлари, шу жиҳатдан ушбу тафсирлар бугунги глобаллашган ва турли ғоявий таҳдидлар авж олиб бораётган кунимизга ҳам мос келиши асосланган;

бугунги дунёда тафсиршунослик анча ривожланиб, ислом оламида юзлаб илмий нашрлар яратилишига қарамай, тафсирларни қиёслаш, муфассирларни яхлит ўрганиш ва уларнинг услубларини очиб бериш борасидаги тадқиқотлар етарлича эмаслиги кўрсатиб берилди ҳамда тафсирлар бўйича юртимизда амалга оширилиши керак бўлган бир қатор тадқиқотлар таклиф этилди, шунингдек тафсирларни қиёсий ўрганиш фанини тафсир илмининг тармоғи сифатида белгилаш ва уни ривожлантириш таклифи берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тадқиқотда XIII-XV асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илмининг ривожланишини кенг тушуниш ҳамда ушбу ҳудудда тафсир илми тараққиёти, муфассирлар ҳаёти ва фаолияти, мўғуллар хукмронлиги даврида фаолият юритган, бироқ кўпчиликка номаълум муфассирлар ва уларнинг илмий асарлари мавжудлиги асосланган;

диссертация маълумотлари таҳлиллари ислом тарихи ва манбашунослигининг ҳали яхши ўрганилмаган XIII-XV асрлари бўйича яхлит ва чуқурроқ билим ҳамда тасаввурлар бериши кўрсатиб берилган;

мовароуннаҳрлик муфассирларнинг оятларни шарҳлашлари ўрганилиши натижасида ҳозирда диний тоифалар томонидан илгари

сурилаётган талқинларга илмий раддиялар бериш, турли оқимларга асосли жавоблар тақдим этиш мумкинлиги исботланган;

Қуръоншунослик ва тафсир соҳасида юртимизда амалга оширилиш керак бўлган тадқиқотлар бўйича таклиф ва тавсиялар берилган ҳамда тафсиршунослик тармоғи сифатида тафсирларни қиёсий ўрганиш фанини жорий этиш ва ривожлантириш таклифи берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг методологик базаси, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда Шарқ ва Ғарб ислом манбашунослиги мактабларида шаклланган илмий тадқиқот усулларида фойдаланилгани, жумладан, тафсирларни қиёслаш, ҳанафий мазҳаби тафсирларини тафсир турларига ажратиш, таснифлаш, бошқа мазҳаблар тафсирлари ҳамда ҳудуд ва даврий жиҳатдан таққослаш усуллари, репрезентативлиги, хулосаларни илгари суришда айнан нодир манбалар матнига таянилгани ва далиллар билан асослангани, ишончли, самарадор ва қиёсий-тарихий усуллар асосида берилгани ҳамда олинган натижаларнинг таҳлил ва талқин этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мамлакатимизда диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги, ўзаро тенглик ва бирлик асосидаги демократик жамиятни барпо этиш йўлида буюк алломаларнинг, айниқса, XIII-XV асрлар муфассирларининг илмий-маънавий меросидаги назарий қарашларнинг муҳимлиги, жамиятни соғлом эътиқод асосида бирлаштиришда уларнинг асарларида илгари сурилган методологик ёндашувлар ва илмий хулосалар билан изоҳланади. Диссертация маълумотларидан исломшунослик, манбашунослик, ислом тарихи, Қуръон ва тафсир илмлари бўйича илмий тадқиқотларда, “Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фани ва махсус курслар учун маъруза матнлари, қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Қуръоншунослик” магистратура мутахассислигида, “Исломшунослик” таълим йўналишида “Тафсир илмига кириш”, “Тафсир матнлари”, “Қуръон тафсирларини қиёсий ўрганиш” ҳамда диний таълим муассасалари учун тафсир билан боғлиқ фанларни ўқитишда диссертация маълумотлари муҳим илмий аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса, бевосита ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш, Қуръон оятлари ва ақидавий масалаларни илмий талқин қилиш, дин ниқобидаги бузғунчи ғояларга қарши туриш, уларнинг нотўғри тафсир ва даъволарига илмий раддиялар бериш, махсус тоифадаги шахслар билан суҳбатлар ўтказишда кўринади.

Шунингдек, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти сифатида XIII-XV асрлар тарихини кенгроқ ёритиш, фактологик ва манбавий маълумотларни тақдим этиш, ҳали очилмай қолган тарихий жараёнларни баён этишда муҳим бўлишини таъкидлаш лозим.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIII-XV асрларда тафсир илмига оид қарашлар таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ишлаб чиқишда “Ислом таълимоти” ишчи гуруҳида фаолият олиб бориб, Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган қарийб 30 нафар муфассирлар, уларнинг илмий мероси, улар билан боғлиқ маълумотлар, айниқса, ўрта асрларда тафсир илми ривожини ва муфассирлар фаолиятига доир маълумотларни шакллантириш, Марказ павильонларида ислом илмлари қаторида, Қуръон қўлёзмалари ва тафсирларига оид материалларни тайёрлашда тадқиқот маълумотларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 30.10.2019 йилдаги 415/19-сонли далолатномаси). Натижада Марказ павильонида ислом илмлари қаторида тафсир илми бўлими ажратилиб, бунга мос равишда муфассирлар ҳамда тафсирлар, шунингдек диссертация янгилиги сифатида тақдим этилган қарийб 30 нафар муфассир ҳақидаги янги маълумотлар шакллантирилган;

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Тафсир илмига кириш”, “Аҳкомул Қуръон”, “Қуръон тафсирларини қиёсий ўрганиш” фанлари бўйича ўқув-меъёрий материалларни тайёрлашда диссертация маълумотларидан фойдаланилган. Тафсир ва муфассирлар фаолиятига доир бир нечта диссертация ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилинган ва тақризлар берилган. Тафсир илмининг тадрижий ривожланишида XIII-XV асрлар алоҳида ўринга эгаллиги, ушбу давр маълум маънода тўлиқ ҳажмли тафсирлардан тўлиқ бўлмаган ҳамда ҳошия услубидаги тафсирларга ўтилгани, шу тарзда то XX асргача мана шу ҳолат сақланиб қолгани, бунга ўз навбатида мўғуллар босқини ва ҳукмронлиги билан боғлиқ кескинлик оқибатида ягона илмий тил саналган араб тилининг ўз мавқеини йўқота бошлагани ҳам сабаб эканлиги янгилик сифатида жорий қилинган. Шунингдек диссертация янгиликлари Республикада ўтказилган бир қатор тарғибот ва ташвиқот тадбирларида, айниқса, 2017-2019 йиллар мобайнида Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Навоий каби вилоятларидаги ҳарбий қисмлар, маҳалла фаоллари, ўрта мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда “Диншунослик”, “Дунё динлари тарихи” ва ижтимоий фанлар ўқитувчилари, имом-хатиблар, отинойилар учун маънавий-маърифий, диний-ижтимоий мавзуларда суҳбатларда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси ва Ҳадис илми мактаби ўқув жараёнларида етказилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 31.10.2019 йилдаги 6056-сонли далолатномаси). Натижада “Тафсир илмига кириш” номли ўқув қўлланма ва 40 дан зиёд тафсир билан боғлиқ видеодарсларда тафсир илмининг XIII-XV

асрлардаги ўзига хосликлари кўрсатиб берилган ҳамда талаба ва тингловчиларда тафсир бўйича атрофлича билимлар шакллантирилган;

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолияти, Марказнинг очилиши билан боғлиқ ташкилий, илмий ишлар, адабиётларда, айниқса, Амир Темур ва темурийларнинг илм-фанга ҳомийлиги натижасида тафсир соҳасида янги қирралар очилиб, эндиликда, Хўжа Порсо ва Яъқуб Чархий каби муфассирлар томонидан ўша давр аҳолиси эҳтиёжига мос бўлган тўлиқ ҳажмли бўлмаган ва форс тилидаги тафсирлар яратилгани, Али Қушчи, Саъдуддин Тафтазоний сингари муфассирларнинг асосан олдинги машҳур тафсирларга хошия туркумидаги изоҳлар ёзганлиги, нақлий тафсирлар камайиб, унинг ўрнида ақлий тафсирлар, хусусан XIII асрдан бошлаб, тасаввуфий тафсирлар ҳам кўпайгани “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” номли асарнинг муфассирларга доир қисмини ёритишда, Марказ фаолиятини ҳамда Имом Термизий, термизлик алломалар илмий меросини кенг тарғиб қилиш жараёнида амалиётга жорий этилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 06.11.2019 йилдаги 79-сонли далолатномаси). Натижада Марказ маълумотлари тасаввуфий, форс, тўлиқ ҳажмли бўлмаган янги адабиётлар ҳамда аҳолининг турли қатламлари аждодлар мероси бўйича билим ва тасаввурлар билан бойитилган;

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2018-2019 йиллар мобайнида ўтказилган тарғибот фаолиятида диссертацияда фойдаланилган оятлар мисолида бағрикенглик, ўзаро тотувлик, ҳанафийлик мазҳабининг мўътадиллигига доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан фойдаланилган, шунингдек минтақада кучли таъсирга эга бўлган ҳанафий мазҳаби ва мотуридийлик таълимоти тафсирларда ҳам аниқ акс этгани, айнан ҳанафий мазҳаби муфассирлари Қуръони каримни мўътадиллик асосида шарҳлаб, мутаассиблик ва оятларни нотўғри талқин қилинишининг олдини олганлари, шу жиҳатдан ушбу тафсирлар бугунги глобаллашган ва турли ғоявий таҳдидлар авж олиб бораётган кунимизга ҳам мос келиши асосланган. Ушбу янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясининг 2018 йил 9 январь кундаги 08-60-сонли хати ва тасдиқланган дастур асосида Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида ўтказилган тарғибот ишларида ҳамда Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан республикада ўтказилган ташвиқот ишларида жорий этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 8 январдаги 03/07-27-сонли хати). Натижада 100 дан зиёд маънавит-маърифат соҳаси мутасаддилари, 300 атрофидаги маҳалла фаоллари ва маънавият устозларига тизимли равишда тушунтиришлар берилиши натижасида Қуръонни тўғри англаган;

2017-2019 йиллар мобайнида “O‘zbekiston” телеканалининг “Муносабат”, “Шарҳ+” ва “Зиё” медиа марказининг бир қатор телекўрсатувларида тизимли равишда ташкил этилган Ислом цивилизацияси

ва инсоният тараққиёти, оқимларнинг салбий оқибатлари, юртимизда диний-маърифий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти мавзуларида, “Yoshlar” телеканалининг муқаддас қадамжолар, буюк аждодлар билан боғлиқ кўрсатувларида, “Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг “Буюк юрт алломалари”, “Биз кимларнинг авлодимиз?” дастурларида ҳамда “Dunyo bo’yulab” телеканалининг “Тафсилот”, “Жажжи саёҳатчилар”, “Ҳафта туризми” каби ўттиздан ортиқ телекўрсатувларни тайёрлаш, сценарийлар ишлаб чиқишда диссертацияда берилган янгиликлар, жумладан, Қуръоннинг ҳанафий мазҳаби асосида шарҳлаш муҳимлигига оид тақлифлар жорий этилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 28.10.2019 йилдаги 01-35-2241-сонли; 25.10.2019 йилдаги 14-01-375-сонли; 01-16/438-сонли; 08-14-444-сонли хатлари). Натижада юртимизнинг муфассирлари, уларнинг ислом оламида тутган ўрни, бугунги глобал дунёда аждодлар илмий меросини чуқур ўрганишнинг аҳамияти ва бугунги кунга мослиги ҳақида туркум кўрсатувлар эфирга узатилган;

2013-2015 йиллар мобайнида диссертант Имом Бухорий халқаро марказида имом-хатиблар учун ташкил этилган малака ошириш курсларида, “Имом Бухорий сабоқлари” илмий-маърифий журналида XIII-XV асрлардаги тафсирларни ўрганиш натижасида Ҳисомиддин Улёбодий, Жамолуддин ал-Кошоний ас-Самарқандий, Ҳамидуддин аз-Зарир ал-Бухорий, Абул Фазоил ал-Бухорий, Шамсуддин Муҳаммад ас-Самарқандий, Абул Қосим ал-Баёний, Бухорий-зода Муҳаммад ибн Абдуллатиф каби ҳали илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган алломалар ёки Нажмиддин Кубро, Убайдуллоҳ содруш шариа, Саъдуддин ат-Тафтазоний, Али ал-Қушчи, Ҳофиз Кўҳакий сингари муфассир сифатида танилмаган мутасаввиф, факих, мутакаллим, фалакиётчи олимлар ўз даврининг Қуръон шарҳловчилари эканлиги ўқувчиларга сингдирилган. Ҳозирда у томонидан тақдим этилган маълумотлар ёрдамида Марказнинг илмий фаолияти, илмий тадқиқотлар, конференциялар ва бошқа кўплаб жараёнларда фойдаланилган. Қуръони каримни тўғри талқин қилиш асослари, алломаларнинг оятларни тафсир қилишдаги ёндашувлари ва услублари кабилардан бугунги кунгача истифода этилган (Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 15.01.2020 й.даги 02/10-сонли далолатномаси). Натижада 200 дан зиёд имомлар ҳамда “Имом Бухорий сабоқлари” журнали ўқувчилари хали номлари номаълум бўлган муфассирлар ҳаёти ва ижоди бўйича билимларга эга бўлганлар;

Диссертацияда бугунги дунёда тафсиршунослик анча ривожланиб, ислом оламида юзлаб илмий нашрлар яратилишига қарамай, тафсирларни қиёслаш, муфассирларни яхлит ўрганиш ва уларнинг услубларини очиб бериш борасидаги тадқиқотлар етарлича эмаслиги кўрсатиб берилган ҳамда тафсирлар бўйича юртимизда амалга оширилиши керак бўлган бир қатор тадқиқотлар тақлиф этилган, шунингдек тафсирларни қиёсий ўрганиш фанини тафсир илмининг тармоғи сифатида белгилаш ва уни ривожлантириш тақлифи берилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг

09.06.2020 санадаги 1301-рақамли далолатномаси) Натижада диссертацияда кўрсатиб берилган тадқиқотлар бўйича ҳозирда битирув малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ишлаш бошланган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғига асосан ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси асосида “Ислон манбашунослиги” дарслиги нашр этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1023-003 рақамли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси). Натижада “Ислон манбашунослиги” номли дарслик ўқув жараёнига киритилган ҳамда талабалар ислон манбалари, шу жумладан тафсир манбалари бўйича янги маълумотларни ўзлаштирганлар, шунингдек ҳозирда Қуръон тафсирларини қиёсий ўрганиш фани жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот ишининг асосий натижалари 29 та, шундан 4 таси халқаро илмий-амалий анжуманларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 54 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 1 та рисола, 23 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, бундан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, ҳар бири учта параграфдан таркиб топган тўртта боб, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми иловалар билан бирга 278 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тафсир илми ва унинг ривожланиш босқичларини ўрганишнинг назарий-методологик ва тарихий асослари”**, деб номланиб, у учта параграфдан иборат. *“Тафсир илмининг назарий-методологик муаммолари ҳамда Қуръоншуносликка оид тадқиқотлар таҳлили”* номли биринчи параграфда *“Қуръон илмлари”* – علوم القرآن, Корановедение (Коранистика), Quranic Studies каби номлар билан маълум

бўлган Қуръоншунослик бугунги кунда нафақат алоҳида фан сифатида шаклланиган, балки унинг ўзида ҳам бир қанча соҳалар жамлангани таъкидланади. Ўрта асрларда муташобих ва муҳкам, носих ва мансух, сабаби нузул, ом ва хос, ғариб сўзлар, сура ва оят фазилатлари, қироат илмлари, тафсир кабилар “Қуръон илмлари”¹³ деб эътироф этилган бўлса, бугунги кунда Қуръоннинг илмий мўъжизалари (الإعجاز العلمي في القرآن), Қуръонда тиббиёт, астрономия¹⁴, таржимашунослик¹⁵ ва бошқа номлар билан ҳам ривожланмоқда. Бундай илмлар фан ва технологиялар тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда бойиб бормоқда.

Диссертацияда Қуръоншунослик ва Тафсиршунослик илмлари шартли равишда беш қисмга: Қуръон илмлари, тафсир асослари (усуллари), тафсир илми, Қуръон атамалари ва муфассирлар табақасига бўлиб ўрганилган.

Қуръон ва тафсир илмлари бўйича араб тилида ёзилган дастлабки китоблар қаторида Муҳаммад ибн Халаф ибн ал-Марзбоннинг (ваф. 309/921) “ал-Ҳави фи ‘улум ал-Қур’он” (“Қуръон илмларини жамловчи”) асари тилга олинади. Кейинчалик Абу Шомнинг (ваф. 665/1267) “ал-Муршид ал-важиз фима ята‘аллақу би-л-Қур’он ал-‘азиз” (“Қуръони азизга боғлиқ қисқача кўрсатма”) китобида Қуръон илмлари батафсилроқ берилган. Жалолуддин ас-Суютийнинг (ваф. 911/1505) “ал-‘Итқон фи улум ал-Қур’он” (“Қуръон илмларида етуклик”) асари бу борада мукамал манба ҳисобланади¹⁶. Ушбу тадқиқотларда Қуръон илмлари батафсил баён этилган.

XX асрда Қуръоншуносликка бўлган қизиқиш ва эҳтиёж сабаб бугунги кунда юзлаб илмий изланишлар вужудга келди. Араб тилидаги тадқиқотларнинг сони ва салмоғи кўплиги билан уларнинг аксариятида умумий бир хиллик кузатилишини ҳам таъкидлаш керак. Ушбу илмларнинг асослари ўрта асрларда яратилган бўлиб, кейинги тадқиқотлар уларни тўлдирди ёки услуб ва ёндашувларга ўзгаришлар олиб кирди. Ҳозирда Қуръоншунослик изланишлари «Қуръон тадқиқотлари бўйича тафсир

¹³ Қуръон илмлари борасида бир қатор тадқиқотлар ёзилган бўлиб, айримлар уларни тафсир ичида кўрса, яна айримлари алоҳида илм сифатида ажратадилар. Қуръон илмларининг ададини чекламайдиган ёки аксинча, уч юз ёки уч минг дейдиган олимлар ҳам мавжуд. Тадқиқотчилар уч минг ададини айнан Қуръон илмлари эмас, балки Қуръондан чиқариб олинган илмлар дейдилар. Қаранг: Мусоид ибн Сулаймон ибн Носир ат-Таййор. Улумул Қуръон: тарихуҳу ва таснифу анвоиҳи / ал-Имом аш-Шотибий лид диросотил Қуръония институти журнали. № 1. 1427/2006. – Б. 99. 104.

¹⁴ Ҳозирда илм-фан ривожланиши натижасида Қуръонда тиббиёт, биология, зоология, астрономия, география каби, ҳатто окулистика соҳаси бўйича кўз катарактасини тузатиш асослари борлиги ҳақида тадқиқотлар ҳам яратилмоқдаки, бу Қуръон илмларида янги йўналишлар очиб берилишига туртки бўлиши табиий. Қаранг: https://ar.wikipedia.org/wiki/القرآن_الطبي_في_الإعجاز_الطبي ; <http://quran-m.com/quran/suncategory/9/-علوم-الطبي-والحياة>

¹⁵ Аслида, Қуръон таржимашунослиги соҳаси алоҳида илм сифатида эътироф этилмаса-да, бироқ бугунги кунда уни алоҳида ўрганиш тақозо этилмоқда. Чунки биргина рус тилидаги таржималарнинг ўзи ўттизга, ўзбек тилидаги таржималар ўнга яқинлашди. Бошқа тиллардагилари унга қўшилса, уларни алоҳида ўрганиш муҳим эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Қуръон таржималари масаласида гап кетганда, уларнинг руҳсат этилган маънавий таржималар ҳамда руҳсат этилмаган сўзма-сўз таржималари борлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

¹⁶ Жалолуддин Абдурахмон ас-Суютий. Ал-Итқон фи улумил Қуръон / Таҳқиқ марказ ал-буҳус ва-д-диросот бимақтаба Назар Мустафо. – ал-Макка ал-мукаррама: Назар Мустафо, 1996/1417; Муҳаммад ибн Баҳодир аз-Заркаший. Ал-Бурҳон фи ‘улум ал-Қур’он / Таҳқиқ Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим. – Байрут: Дор ал-ма‘рифат, 1980/1391.

Маркази» – مركز تفسير للدراسات القرآنية (Саудия Арабистони), «Имом Шотибий» (Ироқ) каби муассасаларда ҳам олиб борилмоқда, уларда ислом оламидаги машҳур муфассирларнинг қарашлари ўрганилиши баробарида Ғарб дунёсидаги тадқиқотлар ҳам таҳлил қилинади.

Европада ўрта асрлардан бошлаб, Қуръон ўрганила бошлаган. XIX асрларда эса, жиддий тадқиқотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, айрим илмий ишларда скептик (шубҳали) қарашлар учрайди¹⁷. Бироқ француз олими Эмил Дермангам, Шибс сингари кейинги давр шарқшунослари бундай қарашларни илмий асослаб, Қуръонга нисбатан бир ёқлама фикрламадилар. Қуръоншунослик бўйича улкан иш Лейденда нашр этилган “Қуръон энциклопедияси”¹⁸ ҳисобланади. Унда мавзу бўйича мингга яқин мақолалар мавжуд. Россияда К.Кошталёва, Д.Фролов, Т.Ибрагим каби олимлар Қуръоннинг маъноларини очишга урғу берганлар. Ғарб оламига хос умумий хусусият шундан иборатки, Қуръон кўпроқ илм манбаи сифатида исломшуносликнинг таркибида ўрганилган.

Ўзбек тилида ҳам ўнга яқин ўқув ва илмий адабиётлар чоп этилди. Бироқ ушбу йўналишда чуқур ва атрофли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Шу маънода диссертацияда Қуръон илмлари бўйича амалга оширилиши керак бўлган янги изланишлар ҳам кўрсатиб берилган.

“Тафсирларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи” номли иккинчи параграфда тафсир تفسیر («изоҳламоқ», «баён этмоқ», «ёритмоқ») ва та'вил تأويل («шарҳлаш» «изоҳлаш»)нинг фарқлари, тафсир илми ривожи, унинг Пайғамбар даври, саҳобалар даври, тобиинлар даври, тадвин даври ва натижада, тафсирда икки йўналиш – нақл (التفسير بالمأثور – *ат-тафсир билмаъсур*) ва ақл (التفسير بالرأي – *ат-тафсир бир-рай*) асосида тафсир қилиш турларининг шаклланиши, тафсирларнинг замонавий даври каби босқичлари ёритилган. Диссертацияда ушбу даврдаги тафсир турларининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Масалан, Пайғамбар (с.а.в.) Қуръонни тўлиқ ёки қисман тафсир қилганликлари борасидаги қарашлар, *ас-сунна туфассир ал-Қур'он*, яъни “суннат Қуръонни шарҳлайди” қондаси шарҳланади. Ибн Аббоснинг тафсирлар тўрт турда бўлиши, яъни биринчиси, араблар тушунадиган¹⁹, иккинчиси, ҳамма билиши керак бўлган²⁰, учинчи тури олимлар тушунадиган²¹ ва тўртинчиси фақат Аллоҳгина биладигани тўғрисидаги фикри келтирилади. Саҳобалар ва тобиинлар даврида тафсирлар ихчам ва қисқа бўлгани билан фарқланса, кейинги пайтларда улар кенгайди

¹⁷ Масалан, Игнац Гольдциер, Христиан Снук-Хюргронье билан бирга ҳадисларни Исломнинг кейинги икки асрида яратилгани, исломга бошқа динлар, таълимотлар ва ҳуқуқий тизимларнинг таъсири ҳақида гапирган. Теодор Нельдеке ўзининг “Қуръон тарихи” китобида Қуръоннинг асосий қисми яҳудийликдан олингани, чунки яҳудийлар Ясриб (Мадина)да яшагани ва Маккага ҳам борганини айтади. Бироқ кейинги давр Ғарб исломшунослари бу фикрларни инкор этганлар.

¹⁸ Encyclopaedia of Qur'an. 1st Edition. Ed. by Jane Dammen McAuliffe et al., 5 vols. plus index.– Leiden: Brill Publishers, 2001–2006.

¹⁹ Араблар ўз тилларини яхши билганликлари учун тушунилиши осон бўлган оятлар ҳадисларда изоҳланмаган.

²⁰ Масалан, Аллоҳнинг бирлиги ва борлиги, Қуръонда ҳамма тушунадиган даражада айтилган мисоллар.

²¹ Олимлар тил қондалари, билим даражалари, уларга етиб келган ривоятлар асосида Қуръонни англаганлар.

ва ҳатто юз жилдлик китоблар вужудга келди. Дастлабки асрларда нақлий тафсирларга эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик ақлий тафсирлар ривожлангани баён этилган.

Бугунги кунга келиб, тафсирлар шу даражада ривожландики, уларнинг бошқа тиллардаги таржималари ҳам кўпаймоқда. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, Қуръон таржималари борасида ўзига хос ёндашувлар ва баҳслар²² мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилида ҳам 9 та таржима вужудга келди. Ҳатто ҳозирда юртимизда пайдо бўлган Шоҳидийлар, Маърифатчилар каби гуруҳлар Қуръоннинг фақатгина таржималаринигина ўқиш мумкин деган даъволарни қилмоқдалар.

“Тафсирларнинг кўпайиши, улардаги ихтилоф ва хилма-хилликнинг сабаб ҳамда омиллари” номли учинчи параграфда араб тилининг ўзида ёзилган тафсирлар уч мингга яқинлашгани, бошқа тиллардаги таржималар билан ҳисоблаганда эса, уларнинг адади бир неча баробарга ўсиши баён этилади. Табиийки, тафсирлар кўпайишининг ўзига хос сабаб ва омиллари мавжуд. Бундай сабаблар қаторида, фикр ва қарашларнинг турлича бўлиши, ихтилофлар, турли илмларнинг кенг таракқий этиши кабилар келтирилади. Аслида, ихтилоф ва бир фикрга бошқа бир фикрнинг зид бўлиши инсон табиатидаги хусусиятлардан биридир. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос бўлиб, у бошқа бировни тўлиқ такрорлай олмайди. Ҳадисда ҳам *“Умматимнинг ихтилофи раҳматдир”*, дейилган. Бироқ бундай ихтилоф ақидада бўлмаслиги таъкидланади. Ихтилофнинг ҳам икки тури: зоҳиран ихтилофли бўлса-да, моҳиятан бир бўлган ҳамда моҳиятан бир-бирига зид бўлгани мавжуд. Ушбу икки турга оид тафсирлар ҳам ислом оламида кенг тарқалган. Биринчи турга оид кироат, эъроб, луғат, мутлоқ ва муқайяд, ом ва хос, насх ва мансук кабилар борасидаги ўнлаб тафсирларни мисол қилиш мумкин. Айнан ақида борасида ихтилофли тафсирлар турли оқим ва тоифалар томонидан ёзилган. Ҳозирда муътазила, шиъа ва бошқаларнинг тафсирлари ўнлаб, балки юзлаб китобларни ташкил қилади.

Тафсир илми ривожланиши баробарида бошқа турли илмлар ҳам ривожланди. Шундай илмлар асосида Қуръон шарҳланди ва натижада, алоҳида бир илмий йўналишдаги юзлаб тафсирлар вужудга келди. Бунда айниқса, ақлий илмлар катта роль ўйнади. Ҳозирда нахвий, балоғат, ғарибул Қуръон, ақидавий, фикҳий, ишорий, ижтимоий, илмий ва бошқа илмларга оид юзлаб тафсирлар ёзилган. Тафсир китобларига ёзилган шарҳ ва хошиялар ҳам ушбу ададнинг кўпайишига сабаб бўлган. Айрим олимлар

²² Қуръонни ҳарфий, яъни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, чунки таржимани ўқиганлар уни дин, деб тушуниб қолишлари мумкин. Ваҳоланки, таржима ҳеч қачон дин бўла олмайди. Шунингдек, таржимадан ижтиҳод ва истинбот қилиб бўлмаслиги, айрим сўзларни ва илоҳий сифатларни таржимада ифодалашнинг имкони йўқлиги, Қуръоннинг назми ва услуби йўқолиши, таржималарда ихтилофлар борлиги каби сабабларга кўра рухсат берилмайди. Бу каби фикрларга қўшилмайдиганлар, балки таржима қилишда айрим шартлар белгилаб, унга рухсат берадиган олимлар ҳам мавжуд. Чунки ҳар бир миллат ўзининг диний билимини ошириш, одамларнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш учун, албатта, ўз халқи тушунадиган тилда адабиётлар чиқаришга интилади. Шундай экан, Қуръонни англаш учун ҳам айрим ҳолларда таржималар бўлиши ва у ҳар томонлама мукамал ёзилиши керак.

ушбу жараённи табиий санаганлар ва шунга доир тадқиқотлар ҳам яратганлар. Жумладан, доктор Саду ибн Абдуллоҳ Фанисоннинг “Ихтилоф ал-муфассирин: асбобуху ва ’осоруху”, Муҳаммад Шоеънинг “Ихтилоф ал-муфассирин”, Ибн Жавзийнинг “Тафсир” китоби муқаддимасида буларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

“XIII-XV асрлардаги аҳли сунна муфассирларининг Қуръон илмлари тараққиётига қўшган ҳиссалари” номли иккинчи бобнинг *“Ҳанафий мазҳаби муфассир олимлари ва улар томонидан ёзилган тафсирларнинг илмий-амалий қиймати”* номи остидаги биринчи параграфда Мовароуннаҳрдан ташқари ислом оламининг бошқа юртларида фаолият олиб борган муфассирлар ишлари таҳлил қилинган. Бу билан диссертация мавзусини кенгроқ очиш ва ўрта асрларда бир-бирига ҳар томонлама боғланиб кетган мусулмон дунёсидаги тафсирларни яхлит ўрганиш мақсад қилинган. Чунки бу давр, бир томондан, мўғуллар босқини ва бошқаруви билан боғлиқ ҳолда “таназзулик” билан боғланса, иккинчи томондан, Амир Темури сингари мусулмон ҳукмдорлари давридаги ислом илмларининг ривожини билан изоҳланади.

Муфассирлар ўзларидан олдинги олимларнинг анъанасини давом эттирдилар ва тафсирларга янгича ёндашувларни қўшдилар. Олдинги тафсирлар ўзининг салобати ва маъноларининг ихчам ифодаланиши билан ажралиб турса, ўрганилаётган давр эса, изоҳларнинг кўплиги, масалага янада чуқур ва кенг кириб бориши, салмоқли тафсирларнинг ёзилгани билан фарқланади. Ҳатто айрим тафсирлар бир юз йигирма жузга етиб борди.

Тафсир олимларининг аксарияти аҳли сунна вал жамоа вакиллари эдилар. Шундан келиб чиқиб, улар ўз асарларида суннийлик анъанасини маҳкам тутганлар ва бошқа ҳар қандай “ўзга”ча қарашларга раддиялар берганлар. Демак, мусулмон оламидаги тафсирларнинг ривожини бевосита мазҳаблар билан боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазҳаблар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар тафсирларда ҳам намоён бўлди.

Аслида, муфассир олимларни мазҳаблар асосида ажратиш янгилик эмас. Ўрта асрлар табақот китобларида кўплаб олимларнинг қайси мазҳабда эканлиги баён этиб кетилган. Масалан, Шамсуддин ад-Довудийнинг «Табақот ал-муфассирин»²³ ва Муҳаммад аз-Заҳабийнинг «ат-Тафсир ва-л-муфассирун» каби асарларида муфассирлар мазҳаблар бўйича таҳлил қилинганда, шофий муфассирларининг бошқаларидан кўра кўплиги, кейинги ўринда эса, ҳанафийлар туриши кузатилади.

Илмий таҳлиллар ҳанафий фикҳига оид фикҳий ва фатво китоблари бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ ёзилганини кўрсатади. Бу, ўз

²³ Ад-Довудийнинг «Табақот ал-муфассирин»идаги олимларнинг исmlарига қўшилган «аш-Шофийий», «ал-Ҳанафий», «ал-Моликий» каби нисбатларга қараб ҳисобланса, шофий мазҳабидаги 100 дан зиёд, ҳанафий мазҳабидаги 100 га яқин, моликий ва ҳанбалий мазҳабларидаги 50 дан ортиқ муфассирларнинг таржимаи ҳоллари жамланганини кўриш мумкин. Батафсилроқ қаранг: Максудов Д. Ҳанафий мазҳабига оид тафсирларнинг аҳамияти // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2006. – № 3. – Б. 32.

навбатида, ҳанафийликда фикҳий масалаларга нисбатан катта эътибор берилганидан далолат беради. Лекин бошқа мазҳаблар қатори ҳанафий мазҳабидаги кўплаб қонун-қоидалар билвосита ёки бевосита Қуръондан олингани учун мазкур мазҳабда тафсирларга алоҳида аҳамият берилган. Шу сабаб Қуръоннинг маъно-мазмунини пухта ўрганиш ушбу мазҳаб олимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб келган.

XIII-XV асрларда мусулмон оламида яшаган йигирма нафар ҳанафий мазҳаби муфассирлари аниқланди. Булар орасида: Абул Аббос ар-Розий, Ибн ат-Туркмоний, Сирожуддин ал-Ғазнавий, Абу Бакр ал-Ҳаддод ал-Яманий, Шиҳобуддин ас-Сайид аш-шариф ал-Журжоний, ас-Сивосий, Махдум ал-Маҳомий, Муҳйиддин ал-Кофижий ар-Румий, Зайнуддин ад-Димашқий, Абдурахмон ал-Жомий, Муин ал-Мискин, Ҳусайн Воиз ал-Кошифийлар бор. Ҳусайн Воиз ал-Кошифий тафсири ҳақида илмий тадқиқот олиб борилган бўлса-да, бироқ Ибн ат-Туркмоний, Сирожуддин ал-Ғазнавий, Шиҳобуддин ас-Сайид аш-шариф ал-Журжоний, Абдурахмон ал-Жомий, Муин ал-Мискинларнинг тафсир ёзганлиги илмий доираларда ҳали кўп ҳам маълум эмас. Шунингдек, уларнинг нафақат муфассир, балки фақиҳ ҳам бўлганлиги ҳанафийликка оид қарашларнинг тафсирларга ҳам олиб кирилишига сабаб бўлган. Ушбу олимларнинг ҳудудий жойлашуви ҳам қуйидагича: ҳозирги²⁴ Афғонистон ва Эрондан 8 нафар, Туркиядан 3, Мисрдан 3, Ҳиндистондан 2, Ямандан 2, Ироқдан 1 нафар ва бошқа жойлардан бўлган. Бу маълумотлар ҳам, ўз навбатида, Хуросон, Кичик Осиё, Миср ва Ҳиндистонда ҳанафий мазҳабининг кенг тарқалгани ва бу жойлардан етишиб чиққан Қуръон шарҳловчиларига таъсир этганини кўрсатади.

Иккинчи бобнинг *“Шофийлик мазҳаби олимларининг Қуръон илмлари ривожига тутган ўрни”* номли иккинчи параграфида Шофий мазҳаби вакиллари адади нуқтаи назаридан ислом оламида иккинчи ўринда турадиган ва кенг тарқалган мазҳаблардан бири экани, Шофий мазҳаби вакиллари Қуръон илмлари ривожига катта таъсир кўрсатгани ёритилган. Ўрганилаётган уч аср мобайнида яшаган 23 нафар муфассир Қуръон илмлари ривожига юксак ном қолдирганлар. Айниқса, Қози ал-Байзовий, Ибн ал-Касир каби машҳур олимларнинг бўлганлиги ушбу пайтда тафсир илмини янада кенг тараққий этишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай экан, тафсир илмининг ривожини шофий мазҳаби олимларисиз тасаввур қилишнинг ўзи амри маҳол саналади.

Қози ал-Байзовийнинг *“Анвар ат-танзил ва асрор ат-та’вил”* асари ислом оламида жуда машҳур бўлиб, Мовароуннаҳрдаги диний таълим муассасаларида ҳам дарслик сифатида ўқитилган. Унга ўнлаб олимлар хошиялар ёзган бўлиб, улар орасида ҳанафийлар ҳам кам эмас. Бу бевосита ҳанафийлар учун ҳам бошқа мазҳаблар китобларининг аҳамиятли эканини кўрсатади. Ушбу тафсир китоби билан ҳанафий тафсирлари орасида жиддий

²⁴ Географик ҳудудлар ва номларнинг тарихи ва бугунги ҳолати бўйича фарқлар мавжуд. Тадқиқотда тарихий номларнинг бугунги жойи аниқланиб, ҳозирги жой номлари берилди.

ихтилофлар кўринмайди, балки айрим жузъий ва мазҳабга доир масалалардагина фарқлар мавжуд.

Яна бир шофий олими Ибн ал-Касирнинг асари нақлий тафсир бўлиб, унда оятлар нақл асосида кенг шарҳланади. Мусулмон оламидаги кўплаб олимлар ушбу тафсирга асосий манба сифатида қарайдилар. Мовароуннаҳр ҳудудида ушбу китоб дарслик бўлмаса-да, бироқ кўшимча ва мустақил тарзда ўрганилган.

Шофий мазҳаби муфассирлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, Сурия ва Иордания (Шом)дан 7 нафар, Эрон ва Афғонистондан 5, Мисрдан 4, Ироқдан 3, Кавказдан 2, Испаниядан 1 нафар эканлиги аниқланди. Демак, ўша пайтда Шом, Хуросон ва Эрон ҳамда Миср билан Ироқда шофий мазҳаби ўзининг мустаҳкам илдизига эга бўлиб, бу ерларда олимлар кўп бўлганини кўрсатади.

Бобнинг *“Суннийликнинг бошқа мазҳабларида ёзилган тафсирларнинг тарихий аҳамияти”* номли учинчи параграфида суннийликнинг юқорида зикр қилинган ҳанафийлик ва шофийлик мазҳабидан ташқари моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳаблари муфассирлари ҳақида маълумот берилади. Айтиш керакки, “Ибнул Маръа” номи билан танилган Абу Исҳоқ ибн Даҳҳок, Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Малоҳий, Абул Ҳасан Аламуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абдуссомад ал-Ҳамадоний ас-Саховий, Иззуддин ар-Расъаний каби муфассирлар орасида Шамсуддин ал-Қуртубий (ваф. 671/1273) каби Қуръон аҳкомлари борасида йирик асар ёзган муфассирлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Абу Муҳаммад Абдулазиз ат-Тунисий, Нуруддин ал-Басрий ал-Абдалайёний, Абу Исҳоқ ал-Ҳанбалий, Бурҳонуддин ал-Муқрий ан-Наҳвий, Абу Ҳайён ал-Ғарнотий, Ибн ал-Қавбаъ номи билан танилган Рукнуддин ал-Жаъфарий, Ибн Одил ал-Ҳанбалий, Имоуддин ал-Яманий, Муҳаммад ат-Тахтоний ар-Розий, Ибн ас-Саккок ал-Микносий каби муфассирлар ҳам илмий фаолият олиб борганлар.

Шу тарзда ушбу бўлимда 27 нафар муфассирнинг илмий ижоди ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Табиий равишда, ушбу муфассирлар суннийликнинг ўзлари мансуб бўлган мазҳаблари доирасида фикр юритганлар. Шамсуддин ал-Қуртубий моликий мазҳабини Қуръон оятлари асосида қўллаб-қувватлаб, изоҳлаган. Шу билан бирга, Ибнул Маръа, Абу Абдуллоҳ ал-Қуртубий, Абу Ҳайён ал-Ғарнотий, Ибн Одил ал-Ҳанбалий, Абу Ҳафс ал-Ҳанбалий, ад-Димашқий, ан-Нуъманий, Муҳаммад ал-Ғарнотий каби ўз замонасининг кўзга кўринган муфассирлари яшаганлиги бу даврда тафсир илми ўз салоҳиятини сақлаб қолганлигини кўрсатади. Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу муфассирларнинг маълум бир қисми Шимолий Африка ва Испанияга тўғри келиши, бу ерларда илм-фан юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Агар ушбу олимларнинг ҳудуди бўйича таҳлил қилинса, шомлик 7 нафар, мағриблик 6, испаниялик 6, Афғонистон ва шимолий эронлик 3, яманлик 1, ироқлик 1 нафар ва бошқа Қуръон шарҳловчилари борлигини кўриш мумкин. Демак,

Сурия, Мағриб мамлакатлари ва Испания ерларида тафсир илми фани нисбатан анча тараққий этган ҳамда бу ерда моликийлик мазҳаби тарихан ривож топган. Бу, ўз навбатида, яна мазкур ҳудудларнинг анча барқарор, мустаҳкам, илмий ҳаёт учун шароитлар борлигини кўрсатади.

“Мовароуннаҳрда тафсир илмининг тарихий ривож ва бунда муфассирларнинг тугган ўрни” номли учинчи бобнинг *“IX-XII асрларда мовароуннаҳрлик машҳур муфассирларнинг тафсир илми тараққиётидаги ўрни ва роли”*, деб номланган биринчи параграфида ҳудудда ислом динининг тарқалиши баробарида Қуръон ва тафсир илмлари ҳам ривожлангани, илк тафсир асарлари сифатида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ад-Доримийнинг ҳадис тўпламлари ёки тафсирга оид асарлари келтирилган. Чунки уларда Қуръон тафсирларига бағишланган махсус боблар бўлган. Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийнинг (786-863) “ат-Тафсир” асари²⁵, асосан, ҳадислардан иборат тафсир китоби саналган. Шу сабаб, ушбу тафсир “нақлий тафсир” деб аталади. Бундан ташқари, Абу Исҳоқ ан-Насафий (ваф. 294/906-7) «ат-Тафсир», ал-Ҳаким ат-Термизий Муҳаммад ибн Али (205/820-320/932) тафсирга китобни²⁶ ёзганлар.

VIII аср – IX асрдан бошидан эътиборан ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳр ҳудудида мустаҳкам ўрин эгаллаши ушбу жойда мазкур мазҳаб муфассирларининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди. Бундай олимлар қаторида: Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг (223/838-311/923-4) “ат-Тафсир”, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг (ваф. 333/944) “Та’вилот ал-Қур’он» («Қуръон таъвиллари»), Абул Лайс ас-Самарқандийнинг (ваф. 373/983-4) “Баҳр ал-‘ulum” (“Илмлар денгизи”), Самарқанднинг машҳур қориларидан Абу Наср ал-Ҳаддодийнинг (ваф. тахм. 1015-1020) “ал-Муваззах фи ‘илм ат-тафсир” (“Тафсир илмидаги изоҳлар”), “ал-Мадҳал ли илм ат-тафсир Китабиллаҳи та’ала” (“Аллоҳ таолонинг китобини тафсир қилиш илмига кириш”), Алоуддин ас-Самарқандийнинг (ваф. 539/1145) «Шарҳ та’вилот ал-Қур’он» («Қуръон таъвиллари шарҳи») асарларини тилга олиш мумкин. Ушбу муфассирлар ҳанафийлик мазҳаби қарашларини ўз тафсирларига сингдирганлар.

Масаланинг эътиборли томони шундаки, Мовароуннаҳрда ҳанафийликдан бошқа мазҳаб олимлари ҳам фаолият олиб бориб, тафсирга оид китоблар ёзишган. Жумладан, шофийлик мазҳаби, шунингдек, шиалик, мўътазилийлик қарашлари тарафдорларини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Шофийлик вакили бўлган Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шошийнинг (291/904-365/976) «ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир») асари бизгача етиб келмаган бўлса-да, аммо Имом ас-Самъоний, Фахруддин ар-Розий, Имом ал-Қуртубий, Абу Ҳайён ат-Тавҳидий, ас-Суютий ўз тафсирларида ундан фойдаланганлар. Бироқ ҳали ушбу масала тадқиқотчиларимиз томонидан ўрганилмаган. Абу

²⁵ Абду ибн Ҳумайд ал-Кеший. Қит’атун мин тафсир ал-имом ‘Абд ибн Ҳумайд / муҳаққик: Махлаф Баних ал-Урф. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2004. – 137 б.

²⁶ Номи номаълум бу асарда Қуръонда учраган 80 та сўзга шарҳ ёзилган.

Наср ал-Иёший ас-Суламий ас-Самарқандий (X аср, 320/932 йилда ҳаёт бўлган) шиалик муфассир ва муҳаддис саналади. Асли тамимлик бўлган ушбу олим Самарқандга келиб яшаган, аввал сунний бўлган, кейинчалик шиаликни қабул қилган. Олимнинг китоби “Тафсир ал-‘Иёший” номи билан машҳур бўлган. Абул Қосим аз-Замахшарий (ваф. 538/1143) эса, ўзининг «ал-Кашшоф» асарида муътазилийлик қарашларини илгари сурган.

Тафсир билан турли олимлар шуғулланган бўлиб, Абу Али Ибн Сино (370/980-428/1037) қаламига мансуб Қуръоннинг охирги учта сурасининг шарҳига оид қўлёзма Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва ўн битта суранинг тафсири ёзилган қўлёзма Лондон фондида сақланмоқда²⁷. Араб дунёсида Ибн Синонинг Қуръон оятлари ва фалсафаси борасидаги қарашларига Ҳасан Осий томонидан “ат-Тафсир ал-Қур’оний вал луғатус суфия фи фалсафати Ибн Сино” номли асар ҳам ёзилган²⁸. Ўзбекистонда ҳам бундай тадқиқотлар тайёрланса, айти муддао бўлар эди. Тадқиқотчи Р.Исоқжонов ушбу масалани маълум даражада ўрганган.

Ушбу параграфда XII асргача Мовароуннаҳрда яшаган 20 га яқин муфассирларнинг ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинди. Ушбу давр тафсирларининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, тафсир соҳасида йирик ва мукамал китоблар ёзилган эди. Улар бугунгача қайта-қайта ўрганилмоқда ва диний таълим муассасаларида ўқитилмоқда. Мукамал тафсирларнинг ёзилишини ўша даврдаги ислом оламида илмий тараққиёт, йирик олимларнинг фаолияти, тўлиқ китоб ёзишга интилиш каби хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаганлиги сабабли уларнинг барчаси билан танишишнинг имконияти мавжуд эмас.

Мазкур бобнинг “XIII-XIV асрларда²⁹ ақлий тафсирлар тадрижий ривожининг ўзига хос жиҳатлари” номли иккинчи параграфда 30 нафар муфассирнинг тафсир илми борасидаги фаолияти таҳлил қилинган. Таъкидлаш керакки, улар томонидан ёзилган тафсир китоблари ўзининг бир нечта хусусияти билан ажралиб туради. Чунки мазкур ҳудудда тафсиршунослик анъанаси шаклланган, олдинги асрларда яшаган муфассирларнинг услуб ва ёндашувлари XIII асрдан кейингиларига ҳам бевосита таъсир ўтказган эди. Шу маънода мавжуд бўлган улкан илмий анъана давом этди. Мўғуллар босқини даврига келиб, кўплаб олимларнинг қатл этилиши, қолганларининг ҳам бошқа юртларга кетиб қолиши, мадраса ва масжидларнинг вайрон этилиши, иқтисодий, ижтимоий танглик каби сабабларга кўра, илм-фан ривожи тўхтади. Бироқ илмий мактаблар ўз

²⁷ Уватов У. Мусҳафнинг Лондонга ташрифи // Ҳидоят. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 31.

²⁸ Ҳасан Осий Ибн Синонинг оятларни изоҳлаши бевосита ўз фалсафий қарашларини исботлаш учун бўлганини таъкидлайди. Қаранг: Ҳасан Осий. ат-Тафсир ал-Қур’оний вал-луға ас-суфия фи фалсафа Ибн Сино. <https://www.kutub-pdf.net/book/>

²⁹ XIII-XV асрлар деб белгилаб олинган давр ичига XIII асрда вафот этган ёки XV асрда яшаб, бироқ кейинги асрда вафот этган муфассирлар ҳам киритилди. Чунки XIII асрда вафот этган бўлса, у шу даврда ҳам илмий ижод қилган бўлиши мумкин ҳамда XV асрда яшаган бўлса, у шу пайтда тафсир илмларини ҳам ўрганган.

фаолиятини у ёки бу даражада давом эттирди. Биргина фикҳ соҳаси олиб қаралса, “шамс ал-аимма” номига сазовор бўлган тўрт йирик³⁰ алломанинг охиргиси – Абдусаттор ал-Кардарий (ваф. 642/1244) мўғуллар даврида илмий мактабни давом эттириб, бир нечта йирик шогирдларни тарбиялаган. Бундан ташқари, Бадруддин Хоҳар-зода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим (ваф. 751/1253 й.) ва Ҳамидуддин ад-Дарир Али ибн Муҳаммад ибн Али ар-Ромиший ал-Бухорий (ваф. 666/1267-8 й.) ва бошқа бир қатор олимлар ҳам фаолият олиб борганлар.

Тафсир соҳасида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бироқ XIII-XV асрларда ёзилган тафсирларнинг аксарияти мукамал китоб эмас, балки шарҳ, хошия ёки айрим бир суралар шарҳланган китоблар сифатида шаклланган. Жумладан, мазкур даврга мансуб 10 та тафсир мукамал тафсир деб эътироф этилса-да, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Яна 4 таси тугалланмаган, 7 таси тафсирларга ёзилган хошиялар ҳисобланади. 11 нафари манбаларда муфассирлар қаторида санаб ўтилган, бироқ уларнинг тафсирлари борлиги ҳақида маълумот берилмаган.

Айтиб ўтилган ҳолатларга қуйидаги бир қатор сабабларни мисол қилиш мумкин: мўғуллар босқини илмий соҳага катта таъсир ўтказган; олдинги мукамал ёзилган мўътабар китобларни шарҳ ва хошияларсиз тушуниш осон бўлмаганлиги ҳамда уларни шарҳлаш ва “буюк олим”ларнинг фикрларини изоҳлашга интилиш ва эҳтиёжнинг ортиши; илмий тил сифатида кенг жорий бўлган араб тилининг ўз мавқеини йўқотиб бораётгани натижасида ислом оламидаги бир бутунлик ва ўзаро илмий боғлиқликнинг сусайиши, марказлашган давлатларнинг йўқолиши; одамларда илмга бўлган “ҳиммат”ларнинг камайиши кабилар шулар жумласидандир.

“Амир Темур ва Темурийлар даврида ижод этган муфассирлар” номли учинчи параграфда Саъдуддин ат-Тафтазоний (722/1322-794/1392), Хожа Порсо (756/1355-822/1420), Шамсуддин ас-Самарқандий (ваф. 1291), Ҳофиз ал-Кўҳакий (ваф. 980/1572) каби ўндан ортиқ муфассирлар ижоди ўрганилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диссертацияда ўрганилган даврга хос хусусиятлардан бири шуки, ақлий билимларга эҳтиёжнинг ортиши натижасида X-XII асрлардан кейин нақлий тафсирлар нисбатан камроқ ёзилганини кузатиш мумкин. Бунга XIV-XV асрлардаги Ибн Касир, Абдурахмон ас-Саолибий, Жалолуддин ас-Суютийни мисол қилиш мумкин. XIX-XX асрларда айрим ҳоллардагина нақлий тафсирлар ёзилди. Жумладан, Аллома Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ аш-Шавкониининг (ваф. 1250/1834-35 й.) “Фатҳ ал-қодир ал-жоми‘ байна фанни-р-ривоя ва-д-дироя мин илм ат-тафсир” ва Муҳаммад Амин Шанқитийнинг (ваф. 1393 ҳ.й.) “Азво’ул баён фи изоҳ ал-Қур’он бил Қур’он” китобларини айтиш мумкин.

³⁰ «Шамсул аимма» («Имомлар куёши») номига сазовор бўлган олимлар тарихда жуда кам бўлиб, улар «ал-Мабсут» асари муаллифи Шамсул аимма ал-Ҳалвоний, Шамсул аимма ас-Сарахсий, Шамул аимма аз-Заранжарийдир. Уларнинг ҳаммаси ҳанафийлик мазҳаби бўйича мусулмон оламида мўътабар алломалар сифатида эътироф этилган.

Шу тарзда, XIII асрдан кейин ақлий тафсирлар кўпайди. Лекин уларда ақлий шарҳлар билан бирга, нақллари ҳам бор эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тафсирларда ақлий ва нақлий изоҳлар ҳам бўлади, бироқ қайси бири кўпроқ бўлса, ўша томони қабул қилинади.

Ушбу даврнинг яна бир хусусияти тасаввуфий тафсирларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Жумладан, Нажмиддин Кубро, Жамолуддин ал-Кошоний, Хўжа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий асарлари бунга мисол бўла олади. Эндиликда, тафсирларда тасаввуфий қарашлар ривожлана бордики, исломнинг заминида кенгайиб бораётган тасаввуфий ҳаракат ўзининг ёрқин намояндалари орқали тараққий эта бошлади. Бу билан соф исломий ғояларни кучайтириш, жамиятдаги турли бидъат ва хурофотларга қарши туриш каби мақсадлар ҳамоҳанг бўлган эди.

“Тафсирларда ханафий мазҳабининг акс этиши ва Қуръон шарҳларининг қиёсий таҳлили” деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи параграфи *“Тафсирларда фикҳий масалаларни баён этишидаги ўзига хос хусусиятлар ва бунда “Тафсирун Насафий”нинг ўрни”* деб аталади. Олимларнинг берган маълумотига қараганда, ҳуқуқий масалаларга доир оятлар 500 та атрофида саналади. Бироқ айрим тадқиқотчилар 333 та деб, улардан ибодат масаласида 140 та, шахсий ҳуқуқ (оила, талок, васият кабилар)да 70 та, муомалотда 70 та, жиноят ва жазо бўйича 30 та, суд жараёни, гувоҳлиликка тегишли 20 та, давлат ҳуқуқи бўйича 3 та оят мавжуд³¹.

Мазкур бўлимда муфассирларнинг ҳанафийлик мазҳаби бўйича берган тафсирлари таҳлил қилинган. Таъкидлаш керакки, мовароуннаҳрлик муфассирларнинг деярли барчаси ханафий мазҳаби ва мотуридийлик таълимоти вакиллари бўлишган. Жумладан, Абул Баракот ан-Насафийнинг «Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил» асарининг кўп жойларида *عندنا* – ‘индано («бизнинг наздимизда»), *علي مذهبنا* – ‘ало мазҳабино («бизнинг мазҳабимизга кўра»), *لنا* – лано («биз учун») каби иборалар ишлатилган. Мазкур ибораларни умумий қилиб, «бизнинг ханафий мазҳабимизда» деб айтиш мумкин. Фикҳий оятлар умумий ном билан аҳком (шариат ҳукмлари) оятлари деб аталади.

Аҳли сунна вал жамоа ичидаги ханафий, шофийий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблари фикҳий мазҳаблар эканлигини эътиборга олиб, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, асосан, фикҳий масалаларда кўринишини таъкидлаш лозим. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, баъзи ўринларда фикҳга тааллуқли оятларда мазҳаблар ўртасидаги турлиликни кўриш мумкин.

Мазкур бўлимда намозда Фотиҳа сураси ўқилганидан кейин айтиладиган *أمين* – *омин* калимаси, муҳкам ва муташобих оятлар, никоҳ ва Рамазоннинг янги ойи бошланиши ёки тугашини кўриш, гувоҳликка ўтувчи мусулмон балоғат ёшига етган ва озод бўлиши кераклиги, бошқа дин

³¹ Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё факихлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 64-65.

вакиллариининг бир-бирларига берган гувоҳликлари, қибла, ҳаж, Сафо ва Марва тепаликларида саъйи қилиш, мерос каби масалалар таҳлил қилинган. Жумладан, *омин* калимасини ошқора ёки махфий айтиш борасида мазҳаблар ўртасида фарқлар мавжуд. Ҳанафийлар махфий айтиш тарафдори бўлганлиги сабабли Фотиҳа сурасидан кейин *оминни* ичида айтишга оят ва ҳадислардан бир қатор далиллар келтирадilar. Шу каби фарқларни муҳкам ва муташиб, қибла масалаларида ҳам айрим фарқларни кузатиш мумкин.

Тўртинчи бобнинг “*Ақидавий оятлар шарҳининг қиёсий таҳлили*” номли иккинчи параграфида ‘*ақида* – عقيدة сўзи (кўплиги عقائد – ‘ақо’ид) арабча عقد – ‘ақада феълидан олингани, ундан бир нарсани иккинчи бир нарса билан боғлаш маъноси келиб чиқиши, умуман, “ақида” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти баён этилган. Истилоҳда эса, “мўминни маълум бир ғоялар билан боғлаб турувчи эътиқодлар” йиғиндиси тушунилади. Ақида илмининг турли таърифлари ичида қисқа ва кенг қамровлиси аллома Али ал-Қори қаламига мансуб «Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар» асаридаги таъриф ҳисобланади: «Ақида эътиқод қилиш зарур бўлган нарсалар тўғрисидаги илмдир»³².

Мазкур бўлимда имоннинг етти асосидан ташқари, “имон” ва “амал” тушунчалари, бу борада мўътазилий қарашлари ва уларга раддиялар, карромия оқими вакиллариининг “фақат тилида имон келтириш билангина инсон мўмин бўлади, дилнинг тасдиғи шарт эмас”, деган фикрларининг нотўғрилиги, مؤمن – «мўмин» ва مسلم – «мусулмон» тушунчалари, гуноҳ ишни қилиш билан инсон имондан чиқмаслиги масаласи, ақидада баҳс юритиш мумкинлиги, жаннатнинг яратилганлиги ва унинг ҳозирда мавжудлиги, жаҳмийларга раддия ўлароқ жаннатга кирган киши унда абадий қолиши, у ерда Аллоҳни кўриш, Аллоҳ ва унинг сифатларига тааллуқли мавзулар, фаришталар афзалми ёки инсонларми, юқоридаги қарашлар бўйича мўътазилийлар, қадарийлар, файласуфлар ва баъзи ашъарийларнинг фикрлари, шунингдек, тарихий шахслардан Искандар Зулқарнайн, Луқмон воқеалари ва уларга ақидавий жиҳатдан муносабат кабилар ўрин олган. Жумладан, муслим ва мўмин борасида турли фикрлар мавжуд, бироқ ўрганилаётган тафсирларда ушбу икки тушунча бир маънода ишлатилиши таъкидланади. Гуноҳ қилиш билан мўмин имондан чиқмаслиги, балки гуноҳкор бўлиши ҳақидаги ақида суннийларга хосдир. Ақидада баҳс юритиш мумкин бўлиб, бунга Иброҳимнинг эътиқод масаласида баҳслашгани тўғрисидаги ҳикоя келтирилади. Ҳанафийларнинг қарашларига кўра, мўмин инсонлар фаришталардан афзал саналади. Искандар Зулқарнайн ҳам, Луқмон ҳам пайғамбар бўлмагани, балки солиҳ кишилар эканлиги таъкидланади.

Шу жиҳатдан қараганда, Қуръонда ақида масаласи бош мавзу бўлиб, унга доир бир қатор оятлар баён этилади. Ушбу оятларнинг энг асосий

³² Али ал-Қори. Шарҳ китоб ал-Фикҳ ал-акбар. – Байрут: Дорул кутубил илмия, (йили кўрсатилмаган). – Б.

қисмини Аллоҳнинг ёлғиз ва яққалиги масаласи эгаллайди. Диссертацияда шу каби ақидага тааллуқли масалалар таҳлил қилинади.

Бобнинг *“Диний-ижтимоий масалаларга доир оятларнинг ёритилиши ва бугунги кунда уларни ўрганишнинг долзарблиги”* номли учинчи параграфида Қуръон мазмун-моҳиятига кўра, инсонларни бирлаштирадиган, тинчликка етаклайдиган китоб ҳисобланиши, шунга қарамай, айнан диннинг ичида уни турлича талқин этадиган, ихтилоф ва тафриқаларга олиб борадиган ҳолатлар жуда кўп бўлгани баён этилган. Умар ибн ал-Хаттоб Исломни бузадиган омил сифатида дин ҳақида янглиш гапириш, мунофиқлар бузуқ фикрларини оят ёки ҳадис билан исботлашга уриниб, мусулмонларни алдашлари ва бузғунчи ҳукм чиқаришларини келтиради.

Айнан бўлинишлар натижасида турли фирқа ва оқимлар ўртасида баъзи оятларнинг талқинида ихтилоф, баҳс ва қарама-қаршиликлар пайдо бўлган. Шу сабаб ихтилоф, фирқаларга бўлиниш, халифалик, жиҳод, раҳбарларга итоат этиш, байъат қилиш ва гуноҳларнинг кечирилиши каби ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича тафсирлардаги ёндашувлар ҳамда бошқа бир қатор масалалар ёритилган. Бундай олимлар ўз асарларида доимо илмийлик, холислик каби жиҳатларни устун қўйганлар.

Тафсирларда халифаликни доимо ҳам ҳукмдорлик сифатида қабул қилмаслик, балки ҳар бир инсон Яратувчининг ердаги халифа-ўринбосари экани, шу сабабли, одам Ер юзини обод этиши лозимлиги таъкидланади. Жиҳод борасида ҳам бугунги кунда “айримлар” томонидан талқин қилинаётган уруш ва одам ўлдириш, деб тушуниш тўғри эмаслиги, балки унинг ўзига яраша бир қатор шартлари борлиги ҳамда энг катта жиҳод кишининг ўз нафсига қаратилган уруши экани баён этилган. Раҳбарларга итоат этиш борасида Қуръонда махсус оятлар бўлиб, эътиборли томони шундаки, фақиҳ муфассирлар раҳбарни фикҳ олими, тасаввуф пешволари пир, яна бир қатор муфассирлар иш боши бўлган раҳбар, дея тафсир қиладилар.

Бир сўз билан айтганда, ҳанафий муфассирлари Қуръонни тафсир қилиш жараёнида ботил оқим ва тоифалар томонидан турлича талқин қилинаётган оятларга асосли раддиялар бериб, ихтилофли масалаларда ўз қарашларини баён этганлар ва бу билан ҳозирда ўз ечимини кутаётган кўплаб баҳсли масалаларнинг илмий жавобларини топганлар. Улар ихтилофли масалаларга илмий ёндашган, одамларни мўътадиллик, бағрикенглик сари чорлаган.

ХУЛОСА

Диссертацияда келтирилган маълумотлар таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тафсир бўйича шу кунгача кўплаб изланишлар олиб борилган бўлиб, улардаги услуб ва ёндашувлар турли хиллиги билан ажралиб туради. Ислом

дунёсидаги Қуръонга оид тадқиқотлар ўзининг илмийлиги, маълум маънода бир-бирига ўхшашлиги ва айрим усуллардаги фарқлар билан ажралиб турса, Ғарб дунёсида илмийлик, холислик билан бир қаторда, айрим бир ёқламаликлар ҳам кўзга ташланади. Умуман олганда, Қуръон илмлари бугунги кунда кенг ривожланган бўлиб, унинг таркибида ўнлаб соҳалар пайдо бўлган. Ҳозирда ўзбек тилида ҳам тармоқлашган тадқиқотлар амалга ошириб борилаётгани диққатга сазовордир.

2. Тафсир илми ўз тарихида бир нечта босқични босиб ўтган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, илк даврларда тафсирлар ўзининг ихчамлиги, оғзаки ривоятларга асосланганлиги, кейинчалик эса, нақлга асосланган ёзма китобларнинг пайдо бўлиши, X асрдан бошлаб эса, ақлий тафсирларнинг вужудга келиши ва кўпайиши кузатилади. Бугунги кунга келиб, араб тилида ёзилган тафсирлар 2500 тадан ошади, бунга таржима ва бошқа изоҳларни қўшиш билан унинг сони янада кўпайиши табиий ҳол. Шундан келиб чиқиб, оятларни турлича тушуниш, ақлий илмларнинг ривожланиши оқимлар томонидан қилинган тафсирлар сабабли тафсирлар сони кўпая борди, дейиш мумкин.

3. Мавзуни атрофлича ёритиш мақсадида XIII-XV асрларда ислом оламида яшаган 70 нафар муфассирлар ижоди ўрганилди. Улар орасида ҳозирги Испания ерларидан тортиб, Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлардаги Ибн Касир, Қози ал-Байзовий, Абу Абдуллоҳ ал-Қуртубий, Абу Ҳайён ал-Ғарнотий кабилар ҳам учрайдики, уларнинг асарлари бугунги кунгача аҳли илм томонидан энг кўп ўқиладиган китоблар саналади. Муфассирлар мазҳаблари бўйича таҳлил қилинганда, 20 нафари ҳанафий, 22 нафари шофий, яна 30 га яқини аҳли суннанинг бошқа мазҳаб вакиллари эканлиги маълум бўлди. Ушбу мазҳабларнинг ҳар қайсиси аҳли сунна вал жамоада бўлганлиги сабабли уларнинг асосий ғоя ва қарашлари ҳам бир бўлган. Ихтилофлар эса, жузъий ва иккиламчи масалаларда эди, холос.

4. XIII-XV асрларда тафсир илми борасида бир нечта ўнлаб жилдлик тафсир китоблари ёзилиши баробарида олдинги мўътабар тафсирларга шарҳ, ҳошиялар ёки айрим сураларнинг изоҳлари ёзилганини ҳам кузатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бир томондан, маълум маънода янги илмий ютуқлар, тафсирга бўлган қизиқиш ортиб борганидан далолат берса, иккинчи томондан, олдингидек салмоқли тафсир ўрнига изоҳлар билан чекланишлар бўлганидан дарак беради.

5. Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожи билан бирга, тафсир илми ҳам шакллана борди. Дастлаб, саҳиҳ ҳадис тўпламлари ичида тафсирлар кенг ёритилди. IX-XII асрларда эса, мукаммал ва улкан катта тафсирлар ёзилди. Жумладан, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Маҳмуд аз-Замахшарий каби олимлар тафсир соҳасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Мовароуннаҳрда ал-Ҳаким ат-Термизий кабиларнинг илк тасаввуфий тафсирлари ҳам мавжуд эди. Бундан ташқари, ал-Қафқол аш-Шоший каби шофий мазҳаби муфассирлари, Ибн Синодек серқирра илм соҳиблари, Абу Лайс ас-Самарқандий

сингари ҳанафий мазҳабининг нақлий тафсир муаллифлари, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Алоуддин ас-Самарқандийга ўхшаш ақлий тафсир намояндалари бор эди. Улар, ўз навбатида, кейинги давр тафсирлари учун манба ва таянч вазифасини бажарди.

6. Тафсир соҳасида шаклланган илмий мактаб мўғуллар босқини натижасида йўқ бўлиб кетмади. Бироқ XIII-XV асрларда ёзилган тафсирларнинг аксарияти мукамал китоб эмас, балки шарҳ, ҳошия ёки айрим бир суралар шарҳланган китоблар сифатида шаклланган. Жумладан, ўрганилган асарларнинг 10 таси мукамал тафсир бўлса-да, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Яна 4 таси тугалланмаган, 7 таси тафсирларга ёзилган ҳошиялар ҳисобланади. 11 нафар муфассир эса, *табақот* китобларида муфассир сифатида ёритилган бўлса-да, уларнинг тафсирлари борлиги ҳақида маълумот учрамайди. Эндиликда, шарҳ, ҳошия, мухтасар ва қисқартма тафсирлар кўпая бордики, буни ҳам “салбий” қабул қилмаслик керак. Чунки бундай услуб, ўз навбатида, илмга янгича ёндашув ва даврга мос ечимлардан бир кўриниши саналади.

7. XIII-XV асрларда яшаган 30 нафар мовароуннаҳрлик муфассир аллома ҳаёти ўрганилганда, уларнинг аксарияти ҳанафий мазҳаби вакиллари эканлиги маълум бўлди. Мовароуннаҳрда мустаҳкам илдиз отган ҳанафийлик мазҳаби тафсир соҳасига ҳам чуқур кириб борган эди. Натижада, бу ерда ёзилган тафсирларда ақидавий ва фикҳий масалаларда ҳанафийлик ва мотуридийлик таълимотига таянилди. Ҳанафийлик юртимиз учун нафақат эътиқод ёки амалиёт манбаи, балки турли ёт ғояларга қарши курашиш омили, одамларни “тўғри” йўлда ушлаб туриш манбаи ҳам эди. Шу маънода, диссертацияда ақидавий, фикҳий ва айрим диний-ижтимоий масалалар ўрганилиб, уларнинг ҳанафий тафсирларида қандай ечим топганлиги таҳлил қилинган.

8. Диссертацияда ўрганилган тафсирлар орасида наҳв, балоғат, фикҳ, ақида, тасаввуфий-ишорий йўналишдагилари ҳам кам эмас эди. Бу, ўз навбатида, Мовароуннаҳрда нақлий тафсирлар ёзиш анъанаси камайиши ва тўхташини билдиради. XIII асрдан кейин деярли бирорта ҳам нақлий тафсир учрамайди. Балки ақлий илмлар асосида ёзилган тафсирлар ривожланиб кетди. Бунинг нақлий ривоятлар ҳадис тўпламларида жамланиб бўлингани ва нақлий тафсирларни қайта-қайта ёзиш эҳтиёжи камайгани, ақлий билим Қуръонга ҳам кенг кириб бориши ва ақлий илмларсиз одамларни қаноатлантириш осон бўлмай қолгани, вақтлар ўтиши билан арабларнинг ўзларида ҳам Илоҳий Калом маънолари, тилшунослик хусусиятларини тушунишга эҳтиёж ортиб бориши натижасида Қуръонни тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида ўрганиш сингари сабаблари бор эди.

9. Ўрта асрлар тафсирларида тасаввуфий қарашлар ривожлана бордики, бунга ҳам мутасаввифларнинг Қуръони каримдаги ишорий қарашларни чуқур англаб боришлари, тасаввуфни илмий асосда ўрганиш, турли бидъат ва

хурофотлар, уруш ва низолар, айрим адолатсизликларни тасаввуфий шарҳлар орқали ечишга интилиш сабаб эди.

10. XV асрдан сўнг Мовароуннаҳрда йирик тафсир ёзилганини кузатиш қийин. Шу маънода, кейинги даврни фақатгина таржима, ҳошия ва шарҳлар даври дейиш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржима ва тафсирлари ривож топмоқдаки, истиклол йилларида жами тўққизта таржима чоп этилди. Бу ҳам ўз навбатида, юртимизда, бир томондан, тафсиршунослик анъаналарининг давом этаётганини билдирса, иккинчи томондан, ушбу таржималарнинг ҳаммаси ҳам ханафийлик қарашлари асосида баён этилгани, бу ерда мазкур мазҳабнинг чуқур илдиз отганини кўрсатади.

Хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Диссертацияда келтирилган мовароуннаҳрлик 30 нафар муфассирларни келажакда алоҳида ўрганиш ҳамда уларнинг тафсир китобларини Қуръон ва тафсир фанларига жалб этиш.

2. Уларнинг қўлёзмаларини топиш ҳамда нусхаларини юртимизга олиб келиш чораларини кўриш.

3. “Мовароуннаҳрда тафсир илми шаклланиши ва ривожланиши” номли йирик илмий нашр чоп этиш.

4. Тафсир мактабининг ҳатто мўғуллар босқини ва ундан кейин ҳам давом этганлиги ушбу пайтдаги диний илмларни атрофлича ўрганишни ҳамда илмий муҳит тараққиёти қай даражада бўлгани тадқиқ қилишни тақозо этади.

5. Жаҳонда Қуръоншунослик ва тафсир мактаблари ҳамда марказларининг шаклланиб, кенг ривож топаётганини ҳисобга олиб, юртимизда ҳам бу борада чуқур тадқиқотларни амалга ошириш орқали илмий мактабнинг шаклланишига замин ҳозирлаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА**

МЕЖДУНАРОДНАЯ ИСЛАМСКАЯ АКАДЕМИЯ УЗБЕКИСТАНА

МАХСУДОВ ДАВРОНБЕК РУСТАМОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ХАНАФИТСКИХ ТАФСИРОВ
МАВАРАУННАХРА (XIII-XV ВВ.)**

24.00.01 – История и источниковедение ислама

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Tar184.

Диссертация выполнена в Международной исламской академии Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-странице Научного совета (www.iiau.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант:	Исламов Зохид Махмудович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Юсупова Дилором Юнусовна академик, доктор исторических наук, профессор
	Мунавваров Зохилло Иномходжаевич доктор политических наук, профессор
	Нуритдинов Махмудхужа Низомович доктор философских наук
Ведущая организация:	Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 г. в _____ на заседании Научного совета DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar.57.01 при Международной исламской академии Узбекистана (адрес: 100011, г.Ташкент ул.А.Кодирий,11. Тел.: (99871) 244 94 70); факс: (99871) 244 00 65; e-mail: info@iiau.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Международной исламской академии Узбекистана (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Кодирий,11, Тел.: (99871) 244 00 91).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 г.)

Ш.А.Евкочев
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Д.А.Рахимджанов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней
к.и.н., доцент

Н.Г.Нажмидинов
Заместитель председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.фил.н., доцент

Введение (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди письменных источников, созданных в разных уголках мусульманского мира, существует ряд трудов, в которых особое внимание уделяется изучению и толкованию (تفسير *тафсир*) Корана. В развитии сферы тафсир важное значение имеют произведения, написанные в Маварауннахре (ما وراء النهر). В этом отношении, наряду с такими исламскими науками, как хадис, фикх, калом тоже развивался тафсир и в этот период были написаны общепризнанные книги. При этом, данные труды сочетали в себе толкования как с помощью мусульманской традиции¹ (التفسير بالنقل / *ат-тафсир би-н-накл*), так и на основании личного мнения² (التفسير بالعقل / *ат-тафсир би-р-ра'й*), что является свидетельством широкого охвата и их высокой научной значимости.

Несмотря на то, что в Средние века были написаны сотни комментариев Корана в мусульманских странах эти тафсиры изучаются не только в религиозно-образовательных учреждениях Центральной Азии, но и в ведущих научных центрах мусульманского мира, как например ал-Азхар (Египет) и Дар ал-'улум (Индия и Пакистан); они постоянно переиздаются (особенно на арабском языке); на их основе защищаются докторские диссертации и ведутся специальные исследования. Все это еще раз доказывает актуальность и высокий научный потенциал толкователей Корана (مفسرون / *муфассиров*), живших и творивших на исторической территории нашей страны. Однако отсутствие комплексных исследований и недостаточная освещенность особенностей данных тафсиров не представляет возможным более полное осмысление традиций тафсироведения Маварауннахра.

В современном Узбекистане развивается исламоведение, в частности источниковедение и тафсироведение. Актуальной задачей для специалистов в данной области науки является проведение ряда исследований по малоосвещенным темам. В частности, важен анализ деятельности таких авторитетных муфассиров XIII-XV вв., как Наджмиддин Кубро (545-618/1150-1221), Ходжа Мухаммад Парсо (756-822/1355-1420), Али Кушчи (ум. 879/1474) и десятки других мыслителей. Изучение наследия муфассиров и методологических особенностей их толкований будет способствовать более четкому представлению и осмыслению развития науки в указанный период, более глубокому анализу деятельности ученых, открытию неизвестных этапов нашей истории, а также появилась возможность явно представить развитие науки тафсир в период XIII-XV веков, когда господствовали монголы и период Темуридов. Эти тафсиры опирались на более ранние авторитетные источники и системе “наставник-ученик”, а также на

¹ *Ат-Тафсир би-н-накл* (التفسير بالنقل) – вид толкования, основанный на тексте самого Корана, хадисах и рассказах сподвижников (асхаб).

² *Ат-Тафсир би-р-ра'й* / *би-л-иджтихад* / *би-л-'акл* (التفسير بالعقل) – вид толкования, основанный на собственном суждении и усердием муфассира в сфере акида, мусульманского права (фикх), арабского языкознания, методах логики и философии, а также других дисциплин, необходимых для понимания Корана.

ханафитский мазхаб который соответствовал обычаями и традициями в обществе, осуждал фанатизм и невежество. Таким образом, исследование ханафитских тафсиров и правильное толкование на их основе сущности Священного Корана является актуальной задачей в современный период глобализации, когда происходят столкновения учений и идей. Кроме этого, сохранение, изучение и передача из поколения в поколение исторического наследия является одним из приоритетных направлений государственной политики³.

Диссертация в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Законах ЗРУ-618-I от 1.05.1998 г. “О свободе совести и религиозных организациях” и Закон ЗРУ-406 от 14.09.2016 г. “О государственной молодежной политике”, а также Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, № УП-5416 от 16 апреля 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере”, Постановлении Президента РУз № ПП-3080 от 23 июня 2017 года “О мерах организации Центра Исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии «Пути формирования и реализации системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, культурному и духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, посвященные науке тафсира и деятельности муфтиев, осуществляют ведущие мировые научные центры и высшие учебные заведения, в частности الأزهر (Университет Ал-Азхар, Египет), جامعة أم القرى (Университет Уммул Куро, Саудовская Аравия), مركز تفسير للدراسات القرآنية (Саудовская Аравия), International Islamic University of Malaysia (Малайзия), Leiden-University (Нидерланды), Institute of Islamic studies (Канада), The Institute for Islamic World Studies, Oxford (Великобритания), la Sorbonne Université (Франция), Hamburg University (Германия), Болгарская исламская

³ Мирзияев Ш. Образование и просвещение – На пути к миру и созиданию / Исламская организация сотрудничества. Речь на церемонии открытия 43 сессии Министров иностранных дел. – Ташкент: НМИУ “Узбекистан”, 2017. – стр. 29.

⁴ <http://www.azhar.edu.eg/>; <http://www.uqu.edu.sa/>; <https://tafsir.net/>; <http://www.vb.tafsir.net/>; <http://www.ioquranics.com/>; <http://www.eurogates.ru/programs/leiden-university/>; <https://www.wise.edu.jo//>; <http://www.iium.edu.my/>; <http://corpus.quran.com/wordbyword.jsp>; <http://www.orientalstudies.ru/>; www.kazanriu.ru/; <http://www.kunstkamera.ru/files/Quran/>; www.beruni.uz/; www.iiiau.uz/ и другие. Сборник Международной конференции ученых-исследователей “Жухудул умма фи хизматил Кур’ан ал-карим ва ‘улумихи” – Фас: ал-Маркабус сакофийил баладий, 2011 год 14-16 апреля. 1-2-части. – стр.1318; Мухаммад Хусайн аз-Захаби. Ат-Тафсир вал муфассирун. – Каир, 1995; Шамсуддин ад-Довуди. Табакатул муфассирин. – Бейрут: Доруль кутубиль илмия, 2002; Адил Нувайхиз. Му’жамул муфассирин мин садрил ислам хаттал ‘асрил хозир. Третье издание. Т. II. – Бейрут: Муассасату Нувайхизис сакофия лит та’лиф ват таржима ван нашр (год не указан); Абу Мансур аль-Матуриди. Та’вилот ахл ас-сунна. – Бейрут: Дорул кутуб аль-илмия, 2005. (Далее – Аль-Матуриди. Таъвилот ахль ас-сунна.); Абдулла ибн Умар ал-Байзави. Анвор ат-танзил ва асрор ат-та’виль. – Бейрут: Дор аль-кутуб аль-‘илмия, 1999.

академия (Россия), Международная исламская академия Узбекистана, Институт востоковедения Академии Наук Узбекистана, Центр Исламской культуры Узбекистана, Международный научно-исследовательский центр имени Имама Бухари, Международный научно-исследовательский центр имени Имама Термизи (Узбекистан). Кроме того, в городе Фас (Марокко) регулярно проводится международная конференция исследователей коранических наук. Издается большой сборник статей конференции.

В научной работе были использованы библиографическая литература, дающая сведения о муфассирах данного периода, книги жанра табакот и тафсир, в частности, «ат-Тафсир ва-л-муфассирун» («Тафсиры и муфассиры») Мухаммада Хусайна аз-Захаби, «Табакотул муфассирин» («О муфассирах») Шамсуддина Мухаммада ибн Али ад-Давуди, «Му‘жам ал-муфассирин мин садр ал-ислам хатта ал-аср ал-хазир» Адила Нувайхиза. А в таких трудах, как «Та’вилот ал-Кур’ан» («Интерпретации Корана») Абу Мансура аль-Матуриди, «Анвор ат-танзил ва асрор ат-та’вил» («Свет Корана и секреты интерпретации») Имама аль-Байзави, «Мадорик ат-танзил ва хако’ик ат-та’вил» («Открытие закрытых истин Корана и путь таъвила») Абул Баракота ан-Насафи можно изучить методов толкования Корана. Рукописи, литографии и новые издания таких источников хранятся в Институте Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан, в фонде Международной исламской академии Узбекистана.

Степень изученности проблемы. Труды муфассиров XIII-XV вв. по корановедению и науке тафсира исследованы многими учеными, труды которых были проанализированы следующим образом.

Из трудов Мухаммада Шафика Гирбола, Абдулхая ал-Лакнави, Мавлоно Ташкупри-зода, Ходжа Халифы, Мухийддина Абдулкадир ал-Курайши, Такиюддина ал-Мисри, Шамсуддина ад-Давуди, Джалалуддина ас-Суюти, Ахмада ал-Аднави, Абдуллаха Абдулхамида Саада можно получить ценную библиографическую информацию о муфассирах на арабском языке. Крупное научное исследование в этой области выполнил Адил Нувайхиз⁵.

